

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 27 сентябрь сешанба № 40-41 (767-768)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин

Маърифатнинг мангу ёғдуси

Эҳтиром намунаси

1997 йил 14 январь

Ўзбекистон Республикасининг “Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.

1997 йил 30 август

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди.

2006 йил 16 февраль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори кучга кирди.

2010 йил 4 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори амалга киритилди.

2011 йил 28 февраль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори “устоз-шогирд” аънадаларини янада кенг ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.



Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг расмий сайтида шундай маълумот бор: «Ўзбекистон аҳолининг ялпи саводхонлигига эришган. Аҳолининг саводхонлиги 1991 йилдаги 97,7 фоиздан 2003 йилда 99,3 фоизга етди. Ўрта махсус ёки олий маълумотга эга катта ёшли аҳоли 75 фоиздан ошди. Бошланғич ва ўрта таълим даражасида қамраб олинган қиз ва ўғил болалар сони ўртасида фарқ йўқ». Халқаро аҳолини рўйхатта олиш бюросининг маълумотларига кўра, мамлакатимизнинг бу борадаги кўрсаткичи Франция, Германия, Буюк Британия, Япония каби жаҳоннинг энг илгор давлатларидагидан ҳам анча юқоридир.

XXI аср — интеллектуал салоҳиятлар асри бўлишига қарамай, жаҳоннинг бир қатор давлатларида турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабабли ҳамон кўплай болалар таълим жараёнига тўла қамраб олинмаган. Маълумотларга кўра, айни пайтда, дунёдаги саводсиз аҳолининг учдан икки қисмини аёллар ташкил этади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган пайтда таълим тизимида талай муаммолар йиғилиб қолганди. Собиқ тузум даврида ёшларни билимига қараб эмас, балки ҳукмрон мафкуранинг сохта гоёларига садоқатига қараб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойилига амал қилинарди. Шу боис, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бутун мамлакат миқёсда таълим-тарбия, илм-фан ва касб-хунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга киришилди.

Давлатимиз раҳбарининг гоёси ва бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури кенг миқёсда амалга оширилди. Унга асосан узлуksиз таълимнинг ноёб механизми яратилди. Шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги

Қонун эзгу мақсадларни кўзлаши билан бирга Ватанимизнинг маърифий тизими ривожига янги босқични бошлаб берди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимига асос солинди. Юртимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий касб-хунар коллежлари, ёшларга пухта билим берадиган академик лицейлар барпо этилди.

Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида шаҳар ва қишлоқларда 7 минг 800 дан зиёд умумтаълим мактаби янгидан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Бугунги кунда юртимиздаги 10 мингта яқин мактабнинг барчаси замонавий қиёфа касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда ушбу тизимда 423 минг нафардан зиёд ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда.

Юртимизда «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» фахрий унвонларига сазовор бўлган, Ватанимизнинг ордон ва медаллари билан тақдирланган ўқитувчилар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Уларнинг илгор иш тажрибаси, самарали ўқитиш услуби бутун таълим муассасаларида жорий этилмоқда.

Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.

Тадбир

“Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси”

танловини ташкил этишда фидойилик кўрсатганларга ташаккурномалар берилди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА “Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси” республика танловини ташкил этишда фаол иштирок этган фидойи инсонларга танлов ташкилотчиларининг ташаккурномаларини топиштириш маросими бўлиб ўтди. Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбирда мазкур танловни

ташкил этишда жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ ҳуқуқшунослар, бир қатор ташкилот, идора, таълим муассасаси, компания раҳбар ва масъул ходимлари, санъат соҳаси вакиллари ташаккурномалар берилди.

Ташаккурномаларни Адлия вазирининг ўринбосари Кўчкор Тоғаев топиштирди.

Аввал хабар қилганимиздек пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Адлия вазирлиги, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, ОАТ “Туронбанк” ҳамда

“Ucell” компанияси ҳамкорлигида “Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси” республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилган эди. Қуйида мазкур танлов ғолибларининг дил сўзлари билан танишасиз.

8



Концепция: устувор вазифалар

Оила даромади ортса...

ЖАМИЯТ ҲАМ ИҚТИСОДИЙ

ЖИХАТДАН ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

ЮРТИМИЗДА қадимдан касб маҳорати сирасорларини, йиллар давомида орттирган ҳаётий тажрибасини авлоддан-авлодга ўтказиш оилавий урф-одатга айланган. Тотушлик, ўзаро ишонч, ҳурмат ва ўз оиласи учун фахрланиш ҳисси ўзбекона оилавий тадбиркорликнинг асосларидан ҳисобланади ва бозор иқтисодиёти шароитида бу тобора долзарб аҳамият касб этаётир. Бугун юртимизнинг ўзига хос хусусияти, меҳнат ресурсларининг етарлиги, қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бораётганлиги ва хомашё базасининг мавжудлиги, шу билан бирга, халқимиз тафаккурида қадимдан шаклланган тадбиркорлик аънадалари оилавий бизнесни янги ташкилий-ҳуқуқий шароитда ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

БИНОБАРИН, Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузасида таъкидлаганидек, “...маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошланг ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор”.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тадбиркорликни бошлаётган ёки давом эттираётганларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Хусусан, оилалар бўйича тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўз даромад манбаи ва тирикчилик воситасига эга бўлган оилалар сони 2008 йилда 85,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу рақам 89,6 фоизга етган. Бу айни пайтда кам таъминланган оилалар сонининг тобора камайишида ҳам ўз ифодасини топтоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги қарори билан тасдиқланган “Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунарамандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомда ҳам оилавий тадбиркорлик ва хунарамандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, оилавий тадбиркорликни ҳамда хунарамандчилик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, 18 ёшгача бўлган шахсларнинг оилавий тадбиркорликда ҳамда хунарамандчилик фаолиятида қатнашиши хусусиятлари, оилавий тадбиркорлик ҳамда хунарамандчилик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилавий тадбиркорликни ҳамда хунарамандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари ва ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш қоидалари ўз аксини топган.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош конференцияси томонидан 1996 йил 20 июнда Женева шаҳрида бўлиб ўтган 83-сессиясида қабул қилинган “Касаначилик тўғрисида”ги 177-Конвенцияда “касаначилик” атамасининг асосий белгилари берилган бўлиб, унга кўра, унинг уйида ёки у танлаган, лекин иш берувчининг ишхонасидан бошқа жойда жойлашган бинода ишлаши лозим, шунингдек, ҳақ олиш ҳамда ускуналар, материаллар ёки бошқа харажатларнинг қим томонидан таъминланишидан қатъи назар, маҳсулот чиқаришда ёки хизмат кўрсатишда натижалари иш берувчи томонидан белгиланган равишда иш бажарадиган шахсни англатади.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни юритиш ва ривожлантириш жараёни янги босқичга кўтарилмоқда. Президентимиз “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да “...бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди...” деб таъкидлади. Яъни, бозор иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялашга қаратилган қонунчилик базаси янги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун билан тўлдиришни тақозо этади. Зеро, мазкур Қонуннинг мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида оилавий бизнесни иқтисодиётнинг барча соҳаларида ривожлантириш учун қонунчилик асосларини яратибдан иборатдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, хорижий давлатлар тажрибасида ҳам оилавий тадбиркорликни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари амал қилади. Жумладан, Россия Федерациясида оилавий тадбиркорликка оид қоидалар “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги Қонунда ўз ифодасини топган бўлса, Латвия Республикасида эса “Якка тартибдаги (оилавий) корхоналар, деҳқон ёки балиқчилик хўжалиги ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда оилавий бизнесни юритиш миллий аъналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Мазкур фаолиятнинг амалга оширилиши нафақат оилалар фаровонлигини таъминлаш, балки мамлакат тараққиётига ҳам хизмат қилади. Бунда оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Бу эса айни пайтда иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринлари очилиши учун шароит яратади.

Соҳибжамол ЖОЛДАСОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти бош илмий ходими,
юридик фанлари номзоди (ЎзА)

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давра суҳбати

СЎЗ АМАЛИ билан чиройли, дейдилар. Шу сингари инсонпарвар қонунларимизнинг ҳаёта тўлақонли татиб этилиши жамият тараққиётига, фаровонликка, юртимиз равнақи, халқ манфаатларига хизмат қилади. Қайд этиш жоизки, амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда улар юзасидан олиб бориладиган назорат-таҳлил тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.

2010 йил 29 сентябрда Президентимиз томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни амал қилаётганига бир йил тўлмоқда. Шу ўтган қисқа вақт ўшбу Қонунда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар нақадар ҳаётчанлигини кўрсатмоқда, десак аниқлашмаймиз. Бунинг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан мазкур Қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қуйида Қонунчилик палатасининг 2010 ва кейинги йилларга мўлжалланган қонунчилик, назорат-таҳлил ва қонунларнинг тарғиботини таъминлаш бўйича Дастурига мувофиқ ўтказилган ушбу ўрганиш якунлари мавзусидаги давра суҳбатини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.



Отабек АБДУГАНИЕВ,
Қонунчилик палатаси депутати, кўмитанинг ишчи гуруҳи аъзоси:

— Мустақил мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ юртимизнинг келажаги бўлган фарзандларимизни соғлом, ҳар томонлама баркамол, етук қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилди. Миллий қонунчилигимизда ёшлар, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга барча зарур шарт-шароитлар, имконлар яратишнинг мустаҳкам қонуний асослари мавжуд.

Албатта, нафақат ота-она, балки барчамиз учун ҳам ҳар бир бола азиз, унинг эртанги истиқболи бизнинг бугунимиз билан чамбарчас боғланган. Ёш авлодга давлатимиз томонидан муносиб таълим ва ҳаёт шарт-шароитлари таъминлаш, уларни тўғри тарбиялаш, жисмонан соғлом ўстириш, таълим бериш борасидаги ёрқин ишларимизда намоён бўлади. Айниқса, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари акс этган қонун ҳужжатларининг ижроси мутассадди идоралар ва масъул шахсларга катта масъулият ва жавобгарлик ҳиссини юклайди. Қўмитамизнинг ишчи гуруҳи “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси юзасидан Сирдарё вилоятида ўрганишлар олиб борди.

Ҳозирги вақтда вилоят аҳолисининг 267323 нафарини вояга етмаган ўғил-қизларининг ташкил этади. Вилоятда ёшларга оид қонун ҳужжатлари, жумладан, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида қилинаётган бир қатор ишлар эътиборга молик. Аввало, мазкур Қонун аҳолининг турли қатламлари ўртасида кенг тарғиб этилишига жиддий қаралгани кўзга ташланади. Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссияси 2011 йилга мўлжалланган Дастур ва иш режаси асосида мунтазам фаолият юритмоқда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят, шаҳар ва туманлар комиссиялари ички ишлар органлари, маҳаллалар, таълим муассасалари ва бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Вилоятда 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида Қонуннинг 6-моддаси талабига биноан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш борасида умумтаълим мактабларида — 962, касб-хунар таълим муассасаларида — 403, маҳаллаларда — 601, жами 1975 маротаба учрашув, давра суҳбатлари ва бевосита мулоқотлар ўтказилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида 52 марта чиқишлар қилинган. Вояга етмаганларнинг назоратсиз қилиниши, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда ва профилактика ишларини амалга оширишда “Камолот” ЁИҲ вилоят Кенгаши, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, “Маҳалла” ва “Болалар спортини ривожлантириш” жамғармалари билан ҳамкорликда маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган “Маҳалла посбони” жамоат тузилмасига ёшларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида вилоят, шаҳар-туман тарғибот-ташвиқот ишлари ёшлар ўртасида кенг йўлга қўйилган. Фарзандларимизнинг нафақат маънавий-ахлоқий тарбияси, балки тўғри жисмоний ривожланиши, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш учун турли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишга қаратилган 789 марта тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб боришга ишлар онгига мафкуравий иммунитет билан бирга ҳуқуқий тафаккурнинг кучайишига ижобий таъсир кўрсатяпти.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Сиз қонунни биласизми?”, “Ҳуқуқимизни ўрганиш” қуриқ-танловлари тизимли тарзда ўтказилмоқда. 2010-2011 ўқув йилида 124 танлов ташкил этилган. Танловларда иштирок этган 51 нафар ўқувчи вилоят ҳокими стипендиясига сазовор бўлиб, голибларга вилоят ҳокимининг заҳира фондидан энг кам иш ҳақи миқдорига 3 ойлик стипендиялар тўлангани ҳам ибратли ишлар сирасига киради.

рига жалб этилган ва уларга тренерлар бириктирилган, уларнинг бегараз қатнашиши таъминланган.

Бахт шаҳар ўғил болалар махсус коллежи — ижтимоий хавфли ҳаракатларни содир этган ёки мунтазам равишда жамоат тартиб-қоидаларини буздирилган, умумтаълим мактабларини тугатганлиги тўғрисида шаходатномага эга бўлган 14-18 ёшдаги вояга етмаган ёшлар тарбияланадиган ўқув-тарбия муассасасидир. Айни пайтда махсус коллежда “Қурилиш ишлари”, “Пай-

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вояга етмаганлар билан, ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган ота-оналар ва оилалар билан ишларни янада жонлантириш. Ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган оилаларга самарали ёрдам кўрсатишга, вояга етмаганларни иш билан таъминлашга кўпроқ эътибор қаратиш;

— ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида психологлар, педагог мутахассислигига эга бўлган тарбиячилар сонини кўпайтириш;

— вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига масъул бўлган орган ва муассасалар томонидан “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларнинг бир хилда ижро этилишида мавжуд тушунмовчиликларни бартараф этиш ва бу борадаги жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан аниқ чоралар кўриш;

— вояга етмаганни ижтимоий-

нидан ўқув дарсларини сабабсиз мунтазам қолдирадиган, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар билан доимий равишда суҳбатлар ўтказиб келинмоқда.

Қонуннинг 19-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бу йўналишдаги ўз ваколатлари доирасида бир қатор ишларни амалга ошириши кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб ўрганишлар давомида тарғибот тадбирлари бўйича зарур тавсиялар берилапти. Шу билан бирга жойларда аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, тегишли кўрсатмалар берилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича тузилган комиссия вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан биргаликда иш олиб бормоқда. Ўқув муассасалари, маҳаллалар билан яқин ҳамкорликда доимий тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Шунингдек, вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган рестороноклар, кафе-барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер зал-

ларида муҳофаза қилиниб, тегишли чоралар белгиланмоқда. Бундан ташқари, прокуратура идоралари томонидан вояга етмаганларнинг кўнгилочар жойларда тунги вақтларда назоратсиз юрганликлари ҳолатлари бўйича қатъий прокурорлик чоралари кўриб боришмоқда. Хусусан, бу борада 6 та ҳолатда вояга етмаганларнинг кўнгилочар жойларда тунги вақтларда назоратсиз юрганликлари аниқланиб, уларнинг ота-оналарига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзга-тилди.

Қонун ижросини ўрганишда асосан ўқув муассасасида мунтазам дарсга қатнашаётган баъзи ўқувчилар, улар дарсга қатнашаётган вақтларида нималар билан машғул эканлиги, турли ноқонуний йўлларга кириб қолмаганликлари ва бунга қиммат айландирган эканликларига эътибор қаратилмоқда.

Бунда жамоатчилик таъсирида ўқувчиларни дарсга келтириш чоралари, айниқса, ота-оналарнинг масъулиятини оширишга жиддий аҳамият бериляпти. Масалан, жиддий ёндашув туфайли фарзандларини мажбурий таълимга жалб этмаган 412 нафар ота-она маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга доир Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори топшириғи асосида вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган Дастур ижобий самара бераётганини қайд этмоқчимиз. Ўшбу Дастурга асосан йил давомида вилоятда 484 та субъектда яратилган 18 мингдан зиёд иш ўринларининг 40-45 фоизига касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш режалаштирилган ва бугунги кунда уларнинг 89,4 фоизини янги очилган турли корхоналарда меҳнат билан бандлиги таъминланди.

Битирувчилар орасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ўқувчиларнинг бизнес лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг вилоят бошқармаси ва тижорат банклари томонидан ўрганилиб, бугунги кунда 150 нафар битирувчиға жами 176 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилди.

Шунингдек, маҳаллаларнинг масъулиятини оширилиб, кам таъминланган оила фарзандлари, оилавий шароити оғир, яъни ота-оналари спиртли ичимликлар истеъмол қилишга берилган ва жиноятга қўл урган оила фарзандлари алоҳида назоратга олинган.

Гулистон шаҳридаги “Болалар шаҳарчаси”га давлат бюджети томонидан ажратилган 3 миллиард 593 миллион сўм бюджет маблағидан ташқари тижорат банки кредити ҳисобидан 150 миллион сўм ҳамда пудратчининг айланма маблағидан 2016 миллион сўм сарфлагидан. Шаҳарчанинг умумий ер майдони 4,2 гектарни ташкил қилиб, унда 100 нафар бола яшашига мўлжалланган замонавий 10 та кotteж, маъмурий, маънавий ва маърифат бинолари, амфитеатр, болалар ўйин майдончаси, баскетбол, волейбол ҳамда футбол майдонлари барпо этилди.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан барча коттеж ва бинолар меҳнат, маиший ва компьютер техникалари, спорт жиҳозлари ҳамда тарбияланувчиларга зарур бўлган бошқа буюмлар билан жиҳозланди.

Бугунги кунда шаҳарчада ота-она қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган 75 нафар бола оила шароитида тарбияланмоқда. Ҳозирги кунда бу маскандаги болаларнинг дунёқараши, ҳуқуқ, интизоми ижобий тарзда ўзгарди. Уларнинг безорилик ва бошқа турли ноҳус ҳолатларга йўл қўйишлари барҳам топди ва гаирижиноимий хатти-ҳаракатларга чек қўйилди.

Бахт шаҳар ўғил болалар махсус коллежи 150 нафар ўқувчини қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу муассасада 132 нафар тарбияси оғир бўлган вояга етмаганларга таълим-тарбия бериляпти.

Бундан ташқари, вояга етмаганларни махсус коллежга жойлаштириш ҳақидаги суд қарорларининг қонунийлиги тегишли ҳудудий прокуратуралар томонидан ўрганилмоқда, зарурат туғилганда натижага бўйича қонуний чоралар кўриляпти.

Суҳбатни “Инсон ва қонун” мухбири Дилором МАТКАРИМОВА ёзиб олди.

Қонун амалдаги ижроси билан кучли

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг Сирдарё вилоятида кенгайтирилган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди



Зиёвуддин МАНСУРОВ,
Қонунчилик палатаси депутати, кўмитанинг ишчи гуруҳи аъзоси:

— Инсон табиати ўзига хос, шу сингари ҳар бир бола ҳам ўзича бир олам, дилида орзулари кўп. Ён-атрофидаги катта ёшли кишилар унга доимо эътибор беришларини исотайди. Турфа табиатли болаларнинг барчасини эрта-индин мустақил ҳаёт йўлига йўллаш, уларнинг ҳар бирини яхши тарбиялаш дунёни ўрганиш жараёнида тўғри йўналтиришга боғлиқ. Айниқса, тарбияси оғирроқ болаларга алоҳида эътиборли бўлишимиз тақозо этилади. Уларга бироз кўпроқ меҳнат сарф қилинса-да, муҳими, натижада фарзандларимизнинг бирдай камол топиши катта ютуқ саналади.

Бугунги кунда вилоят Ички ишлар бошқармасининг профилактика хисобидида 478 нафар вояга етмаганлар қайд этилган. Улар орасида умумтаълим мактаблари, коллежлар ўқувчилари бор. Аслида ҳаёт синовлари қайсидир даражада болалиқдан бошланган. Бундай синовлар бола табиатидаги ўзгаришлар билан бирга кеичини назардан четда қолдирилмаймиз. Қолаверса, оиладаги муҳит бола тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Айрим оилалардаги носоғлом муҳит таъсирига тушган болаларнинг қаровисиз, назоратсиз қилинишининг олдини олиш учун ички ишлар идоралари ходимлари масъуллик билан ёндашяпти.

Жамоат тартибини бузган, ўзбошимчилик билан оиладан ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан кетган, адашган ёки ташлаб кетилган вояга етмаганларнинг 1303 нафари ички ишлар идораларига келтирилган бўлса, уларнинг 559 нафарини умумтаълим мактаблари, 615 нафарини касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари, 112 нафарини ўқимасдан, ишламасдан юрганлар ташкил қилади.

Қонуннинг 12-моддаси талабларига мувофиқ қаровисиз, назоратсиз қолган, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганлар Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази”га жойлаштирилган.

Жорий йилда Қонуннинг 29-моддасига асосан тарбияси оғир, ўзбошимчилик билан уйдан чиқиб кетадиган, дарсларга қатнашмайдиган вояга етмаганларнинг 2 нафари Қўқон ёнги санат коллежига ҳамда 3 нафари Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус касб-хунар коллежига жойлаштирилган.

Ҳуқуқбузарликка мойил бўлган вояга етмаган болалар маҳалла қошида барпо этилган спорт тўғрақла-

вандлаш”, “Металларга ишлов бериш”, “Механика йиғиш” йўналишлари бўйича кичик мутахассисликлар ўргатилади.



Алия ЮНУСОВА,
Қонунчилик палатаси депутати, кўмитанинг ишчи гуруҳи аъзоси:

— Назорат-таҳлил жараёнида белгиланган ҳуқуқий меъёр ва талабларга риоя этилишида айрим камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳусусида ҳам сўз юритмоқчиман. Чунки мавжуд хато ва камчиликлардан қўз юммай уларни ўрганиш, таҳлил қилиш, зарур ҳулосалар чиқариш бундай ҳолатларни ўз вақтида бартараф этишга замин ҳозирлайди. Мазкур Қонуннинг 4, 5-бобларида вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ҳамда иктисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тартиблари аниқ белгилаб қўйилган. Бу бевосита ушбу марказ ва муассасалар ҳамда тегишли судларнинг қонуний меъёрни амалиётга татбиқ этишдаги фаолияти билан боғлиқ саналади. Ўрганишлар жараёнида судлар томонидан, хусусан, вояга етмаганларни ушбу марказлар ва муассасаларга жойлаштиришга доир ажримлар чиқарилишида камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганини келтириб ўттиш мумкин. Айрим суд ажримларида иктисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасининг номи нотўғри тарзда келтирилганлиги, Қонуннинг 4-моддасидаги вазийлик ва ҳоимийлик органи вакилларининг суд мажлисларида иштирок этиши шартлиги ҳақидаги талабларга риоя этилмаган ҳолатлар билан учрагани, тегишли ажрим чиқач, қонуний даъвогарлар юқори турувчи суд инстанцияларига мурожаат этиш ҳуқуқи борлигини тўла тушуниб етмагани сабабли бундай мурожаатлар амалиётда кузатилгани ва бошқа шу каби ҳолатлар қонун ижросини янада тўлақонли таъминлашда ҳал қилинадиган талай ишлар борлигини аниқлади. Шуларни назарда тутиб ишчи гуруҳимиз томонидан берилган қуйидаги тавсияларни айтиб ўтмоқчиман:

Аввало, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига масъул бўлган ҳокимлик ва бошқа органлар ҳамда муассасалар изчил ва тизимли тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари таъсирчанлигини ошириши лозим. Шунингдек:

— вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш ҳамда иктисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилган вояга етмаганларнинг таъминоти, тарбияси ҳамда билим олиши устидан мунтазам назоратни янада кучайтириш;

ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш ҳамда иктисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш бўйича иктимосномаларни судлар томонидан кўриб чиқиш тартибига тўла риоя қилинишини таъминлаш;

— бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар жавобгарликка тортилиши муқаррарлиги ҳақида амалий ишлар мисолида тушунтириш бориш муҳим аҳамият касб этади.



Баҳром БҲУРОВ,

Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси

— Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ кафолатлаш, мустаҳкам ҳимоя этишга қаратилган қонунчилик асослари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ёшлар, хусусан, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тузилмаларнинг фаолияти ҳар томонлама такомиллаштирилмоқда.

Вилоятимиздаги мутасадди идоралар, ташкилотлар иштирокида кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар бўйича аниқ чора-тадбирлар қўрилмоқда. Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси томонидан “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунни вилоятда истиқомат қилувчи аҳоли орасида тарғибот қилиш юзасидан 2010-2011 йилларга мўлжалланган 20 банддан иборат чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Дастурда мазкур Қонунни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги масъулиятини ошириш ҳақида, шунингдек, комиссиянинг барча аъзолари ва мутасадди ташкилот ҳамда идоралар раҳбарларининг қатъий масъуллиги алоҳида белгиланди.

Иш режага мувофиқ туман ва шаҳарларда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси ўрганиб чиқилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши йиғилишларида муҳокама қилиниши жорий этилган.

Маҳаллалардаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томо-

лари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёки бошқа масъул шахслар томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота онасининг қузатувисиз ушбу масканларда бўлишига йўл қўйганликлари аниқлаш мақсадида ички ишлар идоралари томонидан мунтазам равишда рейдлар ўтказиб келинмоқда. Ўшбу рейдлар давомида вилоят ҳудудида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 6 та ҳолат аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар тегишлича жиноят ишлари бўйича шаҳар, туман судларига юборилган.

2011 йил март, апрель, май ойларида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг қаровисизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш борасида ҳамкор ташкилотлар билан “Ўқувчи”, “Ўсмир”, “Давомат”, “Рейд” каби тадбирлар ўтказилди ва ушбу тадбирлар орқали ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш бўйича уларнинг ота-оналари, МФЙ ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.



Мирзахон ЖАМОЛОВ,

Сирдарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси:

— Мазкур Қонун ижросини таъминлаш айнан вояга етмаганлар ўртасида турли хилдаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда катта имконлар яратди. Шу боис вилоятда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар сонни камайтириш динамикаси кузатилмоқда. Масалан, 2010 йил шу даврга нисбатан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар 18 тадан 14 тага, назоратсизлик 12 тадан 5 тага камайган.

Вилоят прокуратураси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва кенг жамоатчилик билан биргаликда ушбу Қонун ижроси ўрганилиб, вояга етмаганлар орасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар таҳлил қилиб борилади. Умумлаштириш ва таҳлиллар натижалари вилоят прокуратураси Ҳайъат мажлиси-

“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг Сирдарё вилоятида ижро этилиши юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якуни бўйича кенгайтирилган сайёр йиғилишида ушбу давра суҳбатига тилга олинган масалалар ҳусусида батафсил сўз юритилди. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилган назорат-таҳлил тартибиди ўрганишлар атрофида таҳлил этилиб, шу юзасидан қабул қилинган қўмита қарориди келгусида қилинадиган вазифалар белгилаб олинди.

Диккат, янги рукн: Бугун ва эрта мавзуси

ЧАРОҒОНЛИК — ФЛЮОРЕСЦЕНТ ЛАМПАЛАР ХИСОБИГА

ГАЗЕТАМИЗНИНГ олдинги сониди жорий йилнинг 17 майда «Neo sun light» қўшма корхонаси билан Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорликда бир ойлик «Янги ёғду» лойиҳасини амалга оширганлиги ҳақида сўз бошлаган эдик. Бугун уни давом эттирсак.

Аввало, шунини айтиш лозимки, ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад энергия тежовчи лампаларни кундалик ишлатувдаги чўғланма лампаларга нисбатан нечоғли тежамкорлигини аниқлаш, энергия тежовчи лампаларнинг хонадонлар ва биноларни ёритишда қўлланилишини аянада кенгайтириш истиқболлари, энергия тежовчи технологияларга ўтиш ҳамда электр энергиясидан унумли фойдаланиш тамойиллари ва услубларини ишлаб чиқишга доир жаҳон тажрибасини таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Лойиҳа доирасида университетнинг беш қавати, 153 та хонадан иборат 2 та бир хил талабалар ётқоҳонаси танлаб олинди. Уларнинг биридаги барча яшаш хоналарида мавжуд бўлган лампалар қўшма корхона хисобидан «AKFA Lighting» маҳсулот белгиси остида ишлаб чиқилган 20 ваттли жами 220 та лампага алмаштирилди. Иккинчи ётқоҳона 100 ваттли чўғланма лампалар билан ёритилди. 30 кундан кейин лойиҳа натижасига кўра ўртадаги фарқ ана қатъи аниқлиги яққол кўзга ташланди. Ва шунинг учун ҳам янги маҳсулотни, яъни унинг тарихида ҳамда энергия тежовчи лампаларнинг хонадонлар ва биноларни ёритишда қўлланилишини кенгайтириш истиқболларига бағишланган тақдирот маросими ўтказилди.

Умуман, энергияни тежаш «Ўзбекэнерго» ДАК иш фаолиятининг ҳам муҳим мезонига айланган. Тармоқда энергия тежайдиган технологияларга қатъи эътибор берилмоқда. Электр энергияси истеъмолини автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Экспертларнинг фикрича, бу янгилик йилига 2,75 миллиард килловатт-соат электр энергиясини тежаш, шунингдек, ҳар йили атроф-муҳитга 1,9 миллион тоннага буюхона гази чиқарилишини камайтириш имконини беради. Ҳар йили тежаб қолинмадиган энергия қиймати қарийб 125 миллион долларни ташкил этади.

«ЯШИЛ» ЭНЕРГЕТИКА, ЯЪНИ ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хозир дунё тенденциясида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишнинг омаллашуви кузатишмоқда. Бу бежиз эмас. Негакки, сарф-харажати кам, яъни тежамли, шу билан бирга зарарсиз ва соф энергия хисобланади. Шу боис ҳам Хитой ўтган йили муқобил энергия тизимини ривожлантириш учун 54,4 миллиард долларлик маблағ сарфлаб дунёда биринчи ўринга чиқиб олди (2009 йилда бу кўрсаткич 34,6 миллиард долларга тенг эди). Ушбу соҳага инвестиция жалб қилиш бора-бора иккинчи ўрин Германияга насиб этган бўлса, кейинги ўринни АКШ «ишғол» этган. Германия ўтган йили 41,2 миллиард долларлик инвестиция йўналтирган. АКШ эса 34 миллиард долларлик маблағ сарфлаб, 2009 йилга нисбатан 51 фоизлик ўсишга эришган. Умуман, «Who's Winning the Clean Energy Race» маълумотларига қараганда, «қатъи йиғирматилиш»ка аъзо давлатлар ўтган йили «яшил» энергетика технологиялари учун 198 миллиард доллар сарфлаб, 2009 йилги кўрсаткичга қараганда 33 фоиз ўсишга эришган.

Шу ўринда Хитой инвестицияси ҳақида бироз тўхталадиган бўлсак, айтиш лозимки, мамлакат маъмурияти келажақда қайта тикланувчи энергия — шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш учун 3 триллион юан (440 миллиард доллар) миқдорда маблағ ажратмоқчи. 2020 йилга бориб шамол энергияси қуввати 100 гигаваттга етиши лозим. Бу 2007 йилги кўрсаткичга нисбатан уч баравар ортдиқ демекдир. 2020 йилга бориб муқобил энергиянинг мамлакат барча энергетика қувватларидаги ҳиссаси 6 фоизга етади. Хозирги кунда эса бу рақам 1 фоизнинг нари-берисини ташкил этмоқда. Германияда эса бу кўрсаткич 10 фоизга тенг. 2020 йилгача 18 фоизга етиши режалаштирилган.

Айни пайтда Хитойда асосий энергия манбаи кўмир хисобланади. Барча энергия қувватларининг 70 фоизи айнан иссиқлик энергияси ҳисобига қопланади. Бу эса атмосферага «парник газ»лари қўшлаб чиқарилиши демекдир. Таъкидлашга аризулиқ яна бир гап шуки, немиш олимлари қуёш ва шамол электр станциялари ишлаб чиқарган, фойдаланувдан ортган электр энергиясини метан газига айлантириш технологиясини яратди. Ушбу метан газини захирага йиғиб қўйиш ва кейинчалик фойдаланиши мумкин. Германиянинг Баден-Вюртемберг федерал ерида Қуёш энергияси ва водород тадқиқотлари маркази

зи томонидан яратилган бу лойиҳа асосида энергияни газга айлантирувчи завод қурилмоқда. Завод келгуси йилда фойдаланишга топширилади.

Испанияда эса янги қурилиб топширилаётган ҳар қандай бино 30 фоиз муқобил энергия тизими билан таъминланган бўлиши шартли қонун-қоида билан «мих»лаб қўйилган. Акс ҳолда қурилишга рухсат берилмайди. Бу борада қатъи тажрибага эга Германияда «Юэ минг қуёшли томлар» лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шу ўринда АКШнинг «Energy Watch Group» компанияси тадқиқотлари натижасини келтириб ўтсак: 2030 йилга бориб дунёнинг энергияга бўлган эҳтиёжи тикланмадиган қувват манбалари хисобидан қопланади. Бунинг учун 20 йил ичида сайёраимизда 3,8 миллионга шамол генератори, 90 мингта йирк ва 1,7 миллиард кичик қуёш электростанциялари қурилиши лозим. Бу лойиҳаларнинг амалга ошиши учун тахминан 100 триллион доллар миқдорда маблағ сарфланади. Бунинг учун ривожланган давлатларда кредитлар ажратилиши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Буюк Британия, Норвегия, Ка-

тезлигини аниқлаб берадиган маҳсулус қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг бундай технологияларидан қишлоқ врачлик пунктларида, мобил алоқа станцияларида, фермер хўжаликларида самарали фойдаланилмоқда.

Яна бир гап. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан Иқтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамкорликда «Худудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иқтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури» ва «Иқтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари» лойиҳаларини амалга оширмоқда. «Иқтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари» лойиҳаси қуёш ва шамол энергияси асосида ишловчи фермер хўжаликларида, кичик иқтимоий объектида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенг жорий этишга қаратилган. Бу йил лойиҳа доирасида шамол энергетикаси ва қуёш батареяларини ўрнатиш учун 10 та объект танлаб олинди. Улар қишлоқ врачлик пунктлари, ши-

юзасидан тактифлар билдирилган. Шунингдек, ўша йили 22 март — Бугунжаҳон сув кўни, деб эълон қилинди. Айни вақтда Ер юзидида 6 миллиард аҳолининг 1,2 миллиарди тоза ичимлик сувиға муҳтож, 2,3 миллиард одам эса санитария ҳолати талаб даражасига жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур. Яна бир таъкид шуки, дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайди. Бу рақам 2025 йилга бориб ҳар 10 кишига 6 кишини ташкил этади. Демак, 5,5 миллиард киши тоза ичимлик суви танқислиги муаммосига дуч келади.

БМТ маълумотларига қараганда, бугунги кунда санитария ҳолати талаб даражасига жавоб бермайдиган сувни истеъмол қилиш натижасида касалланган ҳаётдан кўз юмаётганлар сони урушларда ҳалок бўлаётганлар сонидан ортдиқ кетмоқда экан. Яъни касалликларнинг 80 фоизи ичимлик суви танқислигидан келиб чиқмоқда. 2020 йилга бориб 700 миллион киши айнан сувли жой топиш илнжидида ўз яшаш манзилини ўзгартиришга мажбур бўларкан. Шу боис ҳам сув масаласи, айниқса, ичимлик сувининг етишмаслиги глобал муаммога айланиб улгурган.

Олам аро экологик муаммолар залвори ортиб бораётган

оркали сувдан кўп томонлама фойдаланиш мувозанати, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурслари ва экотизимлар сифатини яхшилаш, урбанизацияланган дунёдаги иқлим ва глобал ўзгаришларга мослашиш каби мавзулардан иборат бўлди.

Аюжман иштирокчилари Ўзбекистонда сув ресурсларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Айнан шундай таъкид жорий йилнинг июлида пойтахтимизда бўлиб ўтган «Мамлакатимизда сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш: аъналар, қонунчилик, таълим ва фан ютуқларига таянган янги технологиялар» мавзусидаги семинарда ҳам янгради. Икки кунлик мазкур тадбирда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван Эспиналнинг «Юртингизда сувни қадрлаш билан боғлиқ бой қадриятлар юксак эъзозланади. Сувдан тежайиб фойдаланиш, бу борада илм-фан ютуқларини кенгайтириш ва амалга татбиқ этишга устувор аҳамият берилади» деган эътирофи замирида улкан саяё-ҳаракатлар натижаси етганини сезиш қийин эмас.

Маълумки, бизда сувдан интеграцияланган усулда фойдаланиш мақсадида бир неча йил аввалқ сувдан фойдаланувчилар уюшма-

ридан фойдаланиш шартлари» аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, республикаимиз ҳудудидида ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланлишини сақлаш, унинг нормативда қўрсатилган даражада тозаллигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонот оламида асраш, сув хавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экологик мувозанатни сақлаш ва сув хавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шартли билан сувдан фойдаланишга йўл қўйилади.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, Вазирилар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув хавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик суви ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги Низом» талаблари асосида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларга муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақоми берилди.

Маълумки, юртимизда 77 та манбада ер ости ичимлик суви мавжуд бўлиб, уларнинг умумий захираси 57,6 миллион кубометрни ташкил этади. Ер ости сув захираларининг 34,5 фоизи Фарғона водийсига, 24,6 фоизи — Тошкент, 18 фоизи — Самарқанд, 9 фоизи — Сурхондарё, 5,5 фоизи — Қашқадарё, 7 фоизи эса қолган вилоятларга тўғри келади. Шунингдек, республика аҳамиятига молик 11 та, вилоят аҳамиятига эга 8 та ичимлик суви захира манбасини муҳофаза қилиш ва улардан тежайиб фойдаланиш бўйича жойларда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Вазирилар Маҳкамасининг жорий йил 16 июнь кунги «Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва 2011 йил июнь-сентябрь ойларида сўғорма сувни тежайдиган доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бежиз қабул қилинмади. Жойларда замонавий сув иншоотларини барпо қилиш оркали суви тежай, сув сарфининг аниқ ҳисобини олиб бориш доллар вази-фалардандир. Хўш, амалда бу масала қандай ҳал этилмоқда?

СУВ ТЕЖАГАН ХОР БЎЛМАС

— Сувдан тежайиб-тергаб фойдаланиш кўп жихатдан қанал ва ариқларнинг тозаллиги ҳамда буғланлишининг олдини олишга боғлиқ, — дейди Богот туманидаги «Тошқоқа» ирригация тизими ҳавза бошқармаси бошлиғи Отаҳон Урозов. — Шу боис ҳам бу йил туманда каналларнинг 30 километрлик қисми тозалланди. Фермер хўжаликлари тасарруфда бўлган 1100 километрдан ортиқ ички суғориш тармоқларининг сув ўтказиш ҳолати яхшиланди.

Кармана тумани деҳқонлари эса суви тежашнинг ўзига хос усулларидан фойдаланиб келади. Масалан, тумандаги «Лочин» фермер хўжалиғи раҳбари Бобой Ражабовнинг айтишича, хўжалиқда келгуси йил сув тежамни учун бир йил аввал чора қўрилади. Яъни улар ўтган йили куз ва қиш ойлари ёққан ёмғир ва қордан самарали фойдаланиш мақсадида ерларга пушта олиб қўйган. Баҳорда шу пуштага чигит қадалган. Натижада бир мар-та суғориш тежалган. Шунингдек, томчилатиб суғориш, пахта майдонларига плёнка тўшаб суғориш ва қўшма полиэтилен қувурлар оркали суғориш, маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланиш ҳам яхши самара бермоқда.

Андижонда эса қўллаб фермер хўжаликлари томонидан ғўза ва галлани магнит ёрдамида суғориш бўйича тажриба ўрнатилди, муайян ютуқларга ҳам эришилди. — Бу усулни илк бор 2009 йили қўллади, — дейди Бўз туманидаги «Элдорбек келажак» фермер хўжалиғи раҳбари Холисон Расулова. — Бунда ғўзанинг етилиши бошқа далада қараганда 10-15 кунга тезлашади. Чаноқдаги пахтада одатдаги 7-8 чигит ўрнига 9-11 тагача чигит санадиқ. Ўша йили йиллик рожани 110 фоизга бажардик.

Мазкур тажрибада магнитдан панжага қилиниб, сув боши — дахнага ўрнатиб қўйилди.

Бу тажриба Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Андижон филиали, Суғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ҳам маъқулланган.

Шу ўринда Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институти мутахассислари эришаётган ютуқлар ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Улар томонидан тўзилган «Ўзбекистоннинг гидро-экологик харитаси» сувдан фойдаланиш, табиат муҳофазаси, атроф-муҳитнинг замонавий ҳолатини баҳолаш бўйича муҳим қўлланма вазифасини ўтамоқда. Олимларнинг суви тежашга оид илгор илмий иxtиrolарни юрти-мизда аънаваний тарзда ўткази-лаётган Инновациялар гоялар, те-хнологиялар ва лойиҳалар респу-блика ямаркасидида доимий намо-йиш этилиб, соҳа мутахассисла-рининг эътиборини қозонмоқда. Ана шундай иxtиrolардан бири — автоматлаштирилган суғориш тизимлари технологиясидир.

Бу ҳақда келгуси сонда тўхта-ламиз.

Алимқул СУЛТОНОВ,
журналист

Қонун доирасида Тадбирли танг қолмайди

Билакс у мустақкам

хукукий химоя

Килинмоқда

Адлия органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир қонун ҳужжатларига ва норматив-хукукий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан доимий назорат олиб борилмоқда. Хусусан, шундай тадбирларда 2011 йилнинг 1-ярми давомида назорат қилувчи органлар томонидан 339 та тадбиркорлик субъекти фаолияти-да ноқонуний текшириш ўтказилганлиги ва 1431 та ҳолатда текширишларни ўтказиш тартиби бузилганлиги аниқланди.

ЖУМЛАДАН, Бухоро вилояти Жондор тумани ветеринария бўлими томонидан 2010 йил 12 ноябрда яқка тартибдаги тадбиркор Б.Хамидовнинг фаолиятида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияси рухсатсиз ноқонуний текшириш ўтказилганлиги юзасидан адлия органи томонидан жорий йилнинг август ойида тақдимнома киритилган. Шунга асосан ветеринария бўлими ходими Х.Орзиқулов «хайфсан» интизомий жазосига тортилди ҳамда тадбиркорга нисбатан қўлланилган маъмурий қарор бекор қилинди.

Давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашув, ноқонуний қарорлар қабул қилиш ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар қўрилмоқда. Хусусан, адлия органлари томонидан давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш бўйича киритилган 153 та тақдимнома ва 130 та даъво аризасига асосан жами 618 та ноқонуний қарор бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди.

Шунингдек, ноқонуний қарорлар қабул қилинишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан судларга 162 та даъво аризаси киритилди. Жумладан, Наманган вилояти Косонсой тумани ветеринария бўлими ходими И.Турсунов томонидан 2010 йил 1 ноябрда яқка тартибдаги тадбиркор С.Мансуров фаолиятида тегишли рухсатсиз текшириш ўтказилиб, ноқонуний равишда уни жавобгарликка тортиш юзасидан қарор қабул қилинганлиги аниқланди. Адлия органи томонидан киритилган тақдимномага асосан ноқонуний қарор бекор қилинди. Бундай ҳолатга йўл қўйган мансабдор шахс И.Турсуновдан суднинг 2011 йил 10 апрель кунги ҳал қилув қарори билан моддий ва маънавий зарар суммаси ундирилиши белгиланди.

Шунингдек, 2011 йилнинг 1-ярми йиллиги давомида адлия органлари томонидан 31518 нафар тадбиркорлик субъектининг текширишларини рўйхатга олиш қўлдан олиб чиқариш қилинди. Мониторинг жараёнида 2638 та турли даражадаги қонунбузилишлар аниқланиб, ушбу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан 151 та тақдимнома, 319 та қўрсатма ва оғҳнома, 4 та даъво аризаси ва 3 та маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Буларнинг барчаси тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлаш адлия органларининг доимий назоратиди эканлигини ифода-лайди.

Зафар
МУСТАФАҚУЛОВ,
Адлия вазирилик
масъул ходими

Тежамкорлик

зикналик, қўрумсоқлик эмас, балки юксак иқтисодий маданият белгисидир

- Инновация лойиҳалари тежамкорликка асосланади
- Иқтисодиётнинг таянч устун
- Фаровонликни мустақкамловчи омил



(Иккинчи мақола)

нада, Хиндистон, Япония, Испания, Янги Зеландияда шамол энергетикаси соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ давлат режалари ишлаб чиқилган.

ҚУЁШЛИ ЮРТ МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯГА КУЛАЙ ХУДУД

Мамлакатимизда ҳам муқобил энергияга эҳтиёж бор. Юртимиз қуёш, шамол, биогаз энергиясидан фойдаланиш борасида қўлай шарт-шароитга эга. Юртимизнинг қуёшли кунлари кўп, республика ҳудудида, айниқса, қўл ва адир-ликларда доимий эсиб турувчи ҳаво оқимлари мавжуд. Демак, улардан электр энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланса бўлади.

Шуниси қувонарлики, юртимизда ушбу йўналишларда қўллаб-қўллаш амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўзида Президентининг «Инновацияларни қўллаб-қўллашга татбиқ этишнинг раббатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан апрель ойида пойтахтимизда Инновациялар гоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV республика ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмарка доирасида Жанубий Корея политехника университети билан ҳамкорликда «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишнинг замонавий илмий-техник ечимлари» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Бу ўзаро тажриба алмашишдек муҳим фикр, гоя, амалий ишланмалар алмашинуви вазифасини ўтади.

Илмий-тадқиқот муассасаларида маҳаллий ҳомаёндан олинган, иқлим шароитимизга мослаштирилган қуёш батареялари ва коллекторларини яратиш, уни амалга татбиқ этиш, жаҳон илм-фани ва амалиётдаги илгор тажрибаларни ўзлаштириш бўйича кенг қўллаб-қўллаш олиб боришмоқда. Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида фаолият юритаётган «Эко-энергия» маркази бу соҳадаги янгиликларни ҳаётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда Муқобил ёқилиш манбалари ва чиқиндисиз технологиялар асосида ишлайдиган корхоналар уюшмаси ташкил этилди. Пойтахтимиздаги «Интеллект диалог» ММҲ шундай тузилмалардан биридир. Жамият раҳбари Ганижон Солиевнинг айтишича, хозирги кунда корхонада шамол энергияси асосида ишлайдиган генераторлар, қуёш батареялари, қуёшнинг ҳароратини, шамолнинг

фоҳоналар, ҳунармандчилик ус-нахоналари, гиламдўзлик цехи сингари объектларни электр энергияси ва иссиқ сув билан таъминлайди.

Ҳамамизга маълумки, бу соҳа дунё бўйича ҳали янги, энди «атак-чечак» қадам ташламоқда. Унинг қадамлари қатъий ва ши-жоатли бўлиши учун тамаил тош-ларни аянада мустақамлаштириш лозим. Шамол ва қуёш энергетика-сини раванқ топтириш, шу орқали иқтисодий ва экологик муваф-фақиятлар қўламини кенгайтириш мақсадида олий ўқув юртларида соҳа учун мутахассис кадрлар тай-ёрлашни ривожлантириш, тегиш-ли таълим дастурларини ишлаб чиқ-иш, синов майдончалари ва лабораториялар ташкил этиш фойдадан холи бўлмайди.

ИЧИМЛИК СУВИ ТАНҚИСЛИГИ — САЙЁРАВИЙ МУАММО

Маълумки, кейинги пайтда сув захиралари танқислиги яқин келажақда, ҳатто нефть ва газга бўлган эҳтиёждан ҳам қулироқ даражага қўтарилиши, айниқса, Марказий Осиёда сув масаласи анчадан буён ҳаётий масала ҳисоб-ланиши, сув захиралари учун ку-раш озик-овқат тақчиллиги ўсиб бориши оқибатида ҳамда озуқа етиштиришнинг арзон манбалари-ни излашнинг тобора фоаллашу-ви таъсирида аянада кучайиши ҳақида гап-сўзлар кўп бўлмоқда.

Дарҳаққат, сув масаласи, ай-ниқса, ичимлик сувининг етиш-маслиги бугунги кунда глобал муаммога айланиб улгурган.

Сув сайёраимиз биохимия-хил-лиги ва экотизимининг ҳаёт ман-баи. Гарчи, Ер шарининг 71 фоиз қисми сув билан қопланган бўлса-да, чўчүк сув умумий сув миқдо-рининг атиги 2 фоизинигина таш-кил этади, холос. Кейинги пайтда юзага келган иқлимнинг глобал иссиқ сува бўлган эҳтиёжини яна-да оширдикки, бу ўз ўрнида катта муаммоларни юзага чиқармоқда. Хароратнинг қўтарилиши ҳисоби-га Марказий Осиёда мавжуд муз-ликлар захираси 2015 йилга бо-риб 40-50 фоизга камайиши му-тахассисларнинг тадқиқот натижа-ларидан аён бўлмоқда. Бу эса сув таъминотининг 20-30 фоиз қис-қаришини юзага чиқаради.

Маълумки, БМТ 1992 йилдаёқ жаҳон җамоатчилиги эътиборини сув муаммосига қараттанди. Ушан-да Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган «Атроф-муҳит ва та-раққиёт» мавзусидаги халқаро кон-ференцияда сув ресурсларидан тежайиб фойдаланиш, уни соф сак-лаш масалаларини йўлга қўйиш

бир пайтда республикамиз фу-қароларининг ҳам сув ресурслари-га бўлган эҳтиёжи ортиб бо-равериши кўндек равшан.

Олимларнинг таъкидлашлари-ча, бир кишининг асосий эҳтиё-жи, яъни ичиш, овқат тайёрлаш ва гигиена мақсадлари учун бир кунда ўртача 20 литр сув керак бўларкан. Аммо бизнинг ўлкамиз-да ёзнинг ҳазирама кунлари бир кишининг ўзидек ўртача 3 литрдан 5 литргача суви ичиб қўйди. Кун давомида эса ўртача 110 литр сув сарфлайди. Бу рақам шаҳарларда 240-270 литрни ташкил этади. Энди буни бензинга таққослаб кўринг. Ҳеч бир киши кунига 240 литр бензин сарф қила оладими? Албатта, йўқ. Барчамиз яхши би-ламлики, бугун нефтининг ўрнини боса оладиган манбалар яратил-моқда. Аммо сувининг бирор бир муқобили йўқ. Демак, унинг туға-ши инсоният учун ҳалокатлидир.

ХАЛҚАР КОНФЕРЕНЦИЯ СУВГА БАҒИШЛАНДИ

Гап сув ҳақида кетар экан, жор-ий йилнинг 12-13 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «VI Умум-жаҳон сув форуми сари — сув хавфсизлиги йўналишида ҳам-корликдаги саяё-ҳаракатлар» мавзусидаги халқаро конферен-ция эслаб ўтмай бўлмайди. Унда дунёнинг 32 мамлакатидан 350 дан ортиқ экспертлар, олимлар, экологлар, сув ҳўжалиги мутахас-сислари, 30 га яқин нуфузли таши-килотлар, жумладан, БМТ ва унинг таркибига кирувчи агент-ликлар, Умумжаҳон сув кенгаши, Глобал сув шериклиги, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Евро-па иқтисодий комиссияси, Оролни қў

Халқаро меъёр

Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш

талабини бекор қилувчи Конвенциянинг аҳамияти ва моҳияти

ХАЛҚАРО муносабатларда расмий ҳужжатларни легаллаштириш ушбу ҳужжатларнинг хорижий мамлакатлар томонидан тан олинганда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳозирги кунда деярли барча соҳаларда йўлга қўйилган ҳужжатлар алмашиниш ҳажмининг ўзини бу соҳани соддалаштиришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишнинг вақти келганлигидан дарак беради.

МАСАЛАНING Ўзбекистон Республикаси учун долзарблиги 2011 йил 4 апрелда "Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга" (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қўшилиш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши ва бунинг натижасида республикамизнинг ушбу Конвенцияга қўшилишида намоён бўлади.

Бугунги кунда 100 дан ортиқ давлатлар (Германия, Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Япония, Россия ва ҳ.к.) Конвенцияга аъзо. Конвенция 15 модда ва унга илова (апостиль намунаси)дан иборат.

Конвенциянинг муҳим жиҳати унга аъзо давлатларнинг бири худудда амалга оширилган ва бошқа аъзо давлатнинг худудига тақдим қилиниши лозим бўлган хорижий расмий ҳужжатларни дипломатик (консуллик) легаллаштириш талабини бекор қилиш ҳисобланади.

Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенциянинг 2-моддасига асосан ҳар бир шартлашётган давлат унинг худудига тақдим қилиниши лозим бўлган ва Конвенция қоидалари қўлланиладиган расмий

ҳужжатларни легаллаштиришдан озод қилади. Конвенциянинг 3-моддасига мувофиқ имзонинг ҳақиқийлигини, ҳужжатни имзолаган шахнинг қайси сифатда намоён бўлганлигини ва зарур ҳолда, мазкур ҳужжатга қўйилган муҳр ва штампнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган ягона расмийлик мазкур ҳужжат амалга оширилган давлатнинг ваколатли органи томонидан апостиль қўйилиши ҳисобланади.

Конвенцияга асосан расмий ҳужжатнинг ҳақиқийлиги апостиль қўйиш йўли билан тасдиқланади. Апостиль — ҳужжатларга қўйиладиган ёки ушбу ҳужжатларга илова сифатида расмийлаштириладиган стандарт гувоҳнома (Конвенция иловасига мувофиқ нусха).

Конвенция қоидаларини амалга ошириш, шу жумладан, расмий ҳужжатларни апостиль қўйиш йўли билан тасдиқлаш Конвенцияга қўйилган мамлакатда давлат бошқарув органларига апостиль қўйиш ваколатини беришни назарда тутувчи махсус қонуности ҳужжатини қабул қилишни тақозо этади.

Шу сабабли, Конвенциянинг 6-моддасига асосан 2011 йил 5 июл-

да Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга" (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш



Чоралари тўғрисидаги Қарори қабул қилиниб, унда Ўзбекистон Республикасида апостиль қўйиш ваколатига эга бўлган давлат органлари белгиланди. Ушбу қарорда:

Адлия вазирлигига — судлар, адлия органлари ва муассасаларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга; Бош прокуратурага — прокуратура, тергов ва суриштирув органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига — фан ва таълим соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ташқи ишлар вазирлигига — бошқа барча расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш ҳуқуқини бериш белгиланди.

Шунингдек, Конвенциянинг талабларидан келиб чиқиб, расмий ҳужжатга апостиль қўйиш тартибини белгилувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Конвенцияга қўшилиш юридик ва жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси расмий ҳужжат тақдим қилганда, ушбу ҳужжатлар Конвенциянинг аъзо давлатлари томонидан тан олинганда, тегишли муддатларнинг қисқартирилишига ва сезиларли даражада ҳужжатлар айланишининг соддалаштирилишига олиб келади. Чунки, амалдаги легаллаштириш тартибидан фарқли равишда апостиль қўйилган ҳужжат қуйидаги мажбурий (оворагарчилик учун шароит яратадиган) босқичларни амалга оширишни инкор этади:

нотариус томонидан ҳужжатнинг асли тасдиқланиши; Адлия вазирлигидан нотариуснинг имзоси ҳақиқийлиги тасдиқланиши; Ташқи ишлар вазирлигидан Адлия вазирлиги ходимининг имзоси ҳақиқийлиги тасдиқланиши; ваколатхонасида Ташқи ишлар вазирлиги ходими имзоси ҳақиқийлиги тасдиқланиши.

Конвенция дипломатик ва консуллик агентлари томонидан амалга оширилган ҳамда тижорат ёки бошқона операцияларига алоқаси бўлган маъмурий ҳужжатларга татбиқ қилинмайди.

Сухроб ЖАББОРОВ,
Музаффар
МАХМАДАМИНОВ,
Адлия вазирлиги масъул
ҳодимлари

Ёднома

Ҳуқуқ осмонида юлдуз эди...



ШУНДАЙ инсонлар борки, умри давомида яхши ном, яхши хотира, эзгу амаллари билан бу дунёда ўзидан ёрқин из қолдирадилар. Одатда бу каби инсонларни кўчада чақнаган юлдузга қиёслашди. Мен эса бугунги кунда республикамиздаги кўпгина таниқли ҳуқуқшуносларга устозлик қилган, иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимизнинг энг қийин кунларида елкадош бўлиб, кувончу қайғусини бирдай баҳам кўрган, инсон тақдирига ҳар қачон ва ҳар қандай шароитда ҳам бефарқ қарай олмаган, бир сўз билан айтганда, эл дарди билан ёниб яшаган устозим марҳум Халима Қодировна ҳақида қўйиб, 1933 йилда равишда ҳуқуқ осмонида чақнаган юлдуз, дегим келсин. Опа 95 ёшида оламдан кўз юмдилар.

1916 йИЛНИНГ 1 январидан Наманган вилоятида дунёга келган Халима тақдирининг оғир синовларига дуч келди. У бир ёшга етар-етмас отаси Қодир ака вафот этди. Суронли ва қарқоғон очарчилик йилларида Омина опа ёлғиз ўзи уч фарзандини эсон-омон олиб чиқди. Халқ тили билан айтганда, меҳнатда суяги қотган Халима расмий иш фаолиятини 1933 йили Наманган туманида колхоз котиблигидан бошлади. Яхшиларга ёндашиб, ёмонлардан норасида кўнгли озорланиб улғая борди. Шундай кунларнинг бирида "Мен, албатта, ҳуқуқшунос бўламан, ҳақиқат адолат қарор топиши учун курашаман", деб ахд қилди. 1935 йилда Уччи тумани прокурори котиби бўлиб ишга кирди. Бу унинг ўз олдига қўйган мақсади сари ташланган ilk қадам эди.

Халима Қодировна 1937-1938 йилларда Наманган шаҳар прокуратурасининг стажёр ёрдмчиси, 1938 йилда Фарғона вилояти прокурори ёрдмчиси; 1938-1942 йилларда Ўзбекистон Республикаси прокурорининг "Жиноят суд бўлими" прокурори, 1942-1943 йиллар Наманган вилояти прокуратурасининг жиноят суд бўлими бошлиғи, 1943-1944 йиллари эса Наманган вилояти партия қўмитаси котибининг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. Бу йиллар давомида Халима опа ўз устиди жиддий ишлади. Исланди, ўрганди, малака ортирди, тажрибали устозларидан касбий ва ҳаётий билим сирларини эгаллади. Асосийси эса, 1944 йилда Бутун иттифоқ юридик сиртки институтини ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича муваффақиятли таомлади.

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши йиллари халқимиз оғир ва қийин кунларни бошдан кечирди. 1944-1946 йиллар ораллигида Ҳуқумат идораси қошида ҳарбий хизматчилар оиласининг давлат таъминоти бош бошқарма-

си бошлиғи лавозимида ишлаган Халима Мухиддинова жангоҳларда қон кечиб юрган аскарлар оиласининг, меҳнат фронтида машаққат билан тер тўкаётган хотин-қизлар, ёш болалар, қарияларнинг бир бурда нонига ўзи ҳам, ўзгаларнинг ҳам хират қилишига йўл қўймади. Уша йиллардаги вазиятда бу жуда катта жасорат ва мардлик, ҳалолликни талаб этарди.

Мухиддиновани таниган ва билганлар уни эҳтиром билан опа, деб аташарди. Опа 1948-1949 йилларда Тошкент вилояти партия қўмитасининг хотин-қизлар ишлари бўйича бўлим бошлиғи, 1949-1952 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида вазир ўринбосари, 1952-1957 йилларда Республика Марказқўм котиби каби масъул вазифаларда ишлаб, ўзининг юксак салоҳияти, улкан тажрибаси, меҳнатсеварлиги ва тўғри сўзлиги, ўз вазифасини виждонан бажариши билан халқ эътиборига тушди.

Халима Қодировна меҳнат фаолияти давомида бир қатор хорижий мамлакатларда бўлиб, дунё хотин-қизларининг ҳуқуқий муаммоларини ўрганди, ўзбек аёлларининг доврғини ўзига хос тарзда жаҳонга танитди. У республикада таниқли ҳуқуқшунос аёл сифатида 1957 йил март-апрель ойларида собиқ совет ҳуқумати томонидан АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси "қошида" ташкил қилинган дунё хотин-қизларининг ҳуқуқий муаммоларини ўрганувчи комиссиянинг навбатдаги сессиясида иштирок этиш учун делегация таркибига тасдиқланди. Бу комиссия 18 та ривожланган давлат аъзолигидан иборат бўлиб, 20 кун давомида Халима Қодировна АҚШнинг етакчи хотин-қизлар жамоаси ташкилотлари билан турли тадбирларда иштирок этди. Шунингдек, АҚШдан қайтишда Францияда тўхталиб, 5 кун давомида Парижнинг етакчи хотин-қизлар фаоллари билан сессияда муҳокама қилинган масалалар бўйича фикр алмашди.

1961 йил навбатдаги сессия Руминия давлатининг Бухарест шаҳрида очилди ва Халима Мухиддинова тақдоран делегация таркибига тасдиқланиб, унда иштирок этди. Сессияни бошқариш ишини ташкил қилиш учун делегация бошлиғи Руминия Президенти, унинг ўринбо-

сари этиб эса бизнинг опа сайланди.

Инсон манфаати ва адолатпешалик ҳақида опанинг умр мазмуни бўлиб қолди. Халима опа айниқса, 1960-1982 йилларда Ўзбекистон Олий судининг раиси ўринбосари ва Олий суд раиси лавозимларида ишлаган кезлари инсон тақдирига алоҳида эътибор билан ёндашарди, судланувчининг тақдирига бефарқ қараёлмасди. Судьялардан ҳам ҳар бир ишни чуқур текшириб, "етти ўлчаб бири кесиб" сўнг ҳулоаса чиқаришни талаб этарди. Опа инсон тақдирини шоша-шошарлик билан ҳал қилишни жуда ёмон кўрарди. Қабулгига келган ҳар бир фуқаро билан шахсан ўзи учрашиб, ариза ва шикоятларини диққат билан тингларди. Тақдим қилинган суд ҳужжатларини ҳажимдан қатъи назар, бирма-бир кўриб чиқарди. Шунинг учун Олий судга келган фуқаролар фақат опанинг қабулига киритишни талаб қилишарди. Эсимда, олий ўқув юртини битириб, эндигина иш бошлаган кезларим Халима опага ёрдмлашиб тўғи соат икки-учгача фуқароларни қабул қилганмиз. Мен ўз касбига фидойиликни, инсонпарварликни ва ҳаётда асқатадиган бошқа кўп жиҳатларни устозим Халима опадан ўргандим.

Кези келганда баъзи бир раҳбар аёлларга намуна бўлиши учун айтиб ўтишни истар эдимки, Халима опа ҳақиқатда давлат ва жамоат ишлари билан банд бўлишга қарамасдан, оиласи ва ўзи учун вақт топарди. Доимо аёлларга хос латофат билан, саранжом-саришти ва орасида юрарди. Ҳеч қачон опанинг эғидида қимматбаҳо либос ёки тақинчок кўрмаганман. Кўз олдимда оддий, лекин қўлай ва бежирим кийинган опанинг қиёфаси муҳрланиб қолган. Халима опанинг меҳнати элу юрт томонидан муносиб тақдирланди. У қўпбал орден ва медаллар, "Республикада хизмат кўрсатган юрист" фахрий унвонининг соҳибаси. Муштақиллик йилларида Х.Мухиддинова "Шуҳрат" медали ва Ўзбекистон Республикасининг кўпбал фахрий ёрликлари билан мукофотланди. Шунингдек, 2000 йил "Меҳнат шуҳрати" ордени ва 2001 йил "Олий таълим фидойиси" белгисига сазовор бўлди.

Халима Қодировна умрининг сўнги кунларигача, Тошкент юридик коллежининг директори, директор муовини, бўлим мудир ва бош мураббийси лавозимларида ишлаб, ёшларга касбий билим ва маҳорат билан бир қаторда ҳалоллик ва поклик, инсонпарварлик, элу юртга муҳаббат ва садоқат тушунарларидан сабоқ берди.

Тамара ТИЛЛАЕВА,
Адлия вазирлиги
бошқарма
бошлиғи ўринбосари,
юридик фанлари
номзоди



XALQ SUG'URTA

юртилимиздаги барча устозларни

1 октябрь җиғиҳалқ байрами —

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА

МУРАББИЙЛАР КУНИ

билан салимий муносабатларни

Баркамол аъло тарбияси йўлидаги

ўқувчиларингизга муваффақиятлар

тилаймиз. Ҳар бирингизнинг

хонадонингизда яхши кўнлар

бўлишини чин қилган тилаб

қиламиз. Шогирдлар камолини

кўриш барчангизга насиб қилсин!

Меҳр нури ёғар доим

Кўзингиздан, устозлар.

Юрсам дейман шу табарруқ

Изингиздан, устозлар.

Чин инсонлик китобида

Бахту ҳикмат битибсиз.

Одоб ила билим олдик

Сўзингиздан, устозлар.

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ СУҒУРТА
КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Муносабат

Ҳуқуқингиз бузилса

қандай тиклашни биласизми?

ИНСОН ҳуқуқлари, айтиш мумкинки, ўзига хос тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди ва эндиликда у ҳуқуқнинг алоҳида мустақил тармоғи сифатида эътироф этилмоқда. Моҳиятан бу атама инсоннинг иқсодий, ижтимоий, сийсий, маданий ва экологик соҳалардаги имкониятларини ифодалайди.

БУ ТУШУНЧАНИНГ ҳам тарихи узок-ларга бориб тақалади. Чунончи, 1215 йилдаёқ "Эркинликларнинг буюк хартияси" амалга киритилган бўлса, 1628 йилда қабул қилинган "Ҳуқуқ тўғрисидаги петиция", 1679 йилдаги "Хабес корпус акт" сингари ҳуқуқий-норматив ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари мукамаллаша борди. Пировардида ҳар бир мамлакатда демократиянинг нечоғли ривожланганлиги айнан инсон ҳуқуқларига қай даражада риоя этилаётгани билан белгиланадиган бўлди.

Мамлакатимизда ҳам бу масалага истиклол йилларида алоҳида эътибор қаратилди. Асосий қонунимизнинг муқаддимасида Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларига содиқ, дея тантанали равишда эълон қилинди. Бунинг амалий исботини инсон ҳуқуқларига доир қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг қабул қилингани ҳамда уларнинг ижроси изчил равишда таъминланаётганида ҳам кўришимиз мумкин.

Бекзод БАБАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий судининг судьяси

Фармон ва ижро

Асоссиз аралашувлар


учун жавобгарлик кучайтирилди

МАМЛАКАТИМИЗДА ўтган 20 йил мобайнида қатор соҳалар сингари тадбиркорликни ривожлантиришда ҳам улкан муваффақиятларга эришилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир.

МАМЛАКАТИМИЗДА янада қўлай бизнес муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорликка янада эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва говларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулот-

ларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини амалга тадбиқ этиш "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига асос қилиб олинган йўналишлардан биридир.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига мувофиқ давлат ва назорат органларининг қорхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишлар-



ни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбир-

корлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011

йил 4 апрелда "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонда янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режалли солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги белгиланди (акция солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно).

Тизимда яратилган бундай қўлайлик ва имтиёзлар тадбиркорларни янада кенгроқ ҳимоялаш ва муаммоларга барҳам беришда кўл келмоқда.

Тимур БУРНАШЕВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Талқин

Шартноманинг ҳақиқий эмаслиги

ва бекор бўлишининг ҳуқуқий асослари

1998 йил 29 августда қабул қилинган **“Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”**ги Қонун ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни тартибга солишда асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бундан ташқари, барча турдаги ҳўжалик шартномалари – фуқаролик ҳуқуқий шартнома ҳисобланиб, уларга нисбатан Фуқаролик кодексининг битимлар ва шартномаларнинг айрим турларига оид барча моддалари татбиқ этилади.

ШУ БИЛАН бир қаторда ҳўжалик шартномаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

биринчидан — шартнома фақат тадбиркорлик

фаолияти соҳасида, яъни фойда олиш мақсадида; **иккинчидан** — шартнома юридик шахслар ва яққа тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар ўртасида;

учинчидан — шартнома товарлар бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида; **тўртинчидан** — шартнома фақат ёзма шаклда тузилади.

Шартноманинг ҳақиқий эмаслиги ва бекор бўлиши ҳақида сўз юритишдан аввал шунга таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқининг энг асосий қоидаларидан бири бу — ҳар қандай шартноманинг битим эканлигига эътибор бериш лозим ва Фуқаролик кодексига кўрсатилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги қоидалари шартномаларга ҳам қўлланилишини айтиш керак.

Шартномалар норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормалар асосида суд томонидан манфаатдор шахсларнинг муносабатига асосан ёки суднинг қўриб чиқишидан қатъи назар, ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши мумкин. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 9-бобида “шартноманинг ҳақиқий эмаслиги”га олиб келувчи бир неча асослар кўрсатилган.

Юқоридаги ҳолатларнинг барчаси шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади ва улар бўйича қилинган ҳар қандай ҳаракатлар бирор-бир юридик оқибат келтириб

чиқармайди. Шунингдек, ҳўжалик шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низоларнинг судга тааллуқлилиги масаласини ҳал этиш ва судда кўришда қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатларда битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик ҳақидаги (Фуқаролик кодексининг 115-моддаси), янглишиш таъсирида тузилган (Фуқаролик кодексининг 122-моддаси), алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вақилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган (Фуқаролик кодексининг 123-моддаси), қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган (Фуқаролик кодексининг 125-моддаси) битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги

умумий қоидалар ҳўжалик шартномаларига нисбатан ҳам татбиқ этилишига эътибор қаратилмоғи лозим.

“Шартноманинг бекор бўлиши” эса шартноманинг ҳақиқий эмаслигидан тубдан фарқ қилади. Бунга сабаб шуки, шартноманинг бекор бўлишидан аввал ўзаро келишув бўйича муайян ҳаракатлар қилинган, чунончи, шартномада келишилган ўзаро мажбуриятлар асосида товарлар топширилган, хизматлар кўрсатилган ёки ишлар бажарилган бўлади.

Бу ўринда Фуқаролик кодексининг 28-бобида шартноманинг бекор бўлиш тартиблари ҳам берилганлигини айтиш керак ва улар қуйидагилардан иборат:

— шартнома тарафларининг келишувига мувофиқ

шартномани бекор қилиш; — шартномани суд томонидан ҳал қилув қарори чиқариш орқали бекор қилиш.

Шу икки масалани тўлиқ бир-биридан ажратиб олиш учун шартномавий муносабатга киришган тарафлар ўртасида шартноманинг ҳақиқий эмаслиги ёхуд шартноманинг бекор бўлиши вужудга келадиган оқибатларга эътибор бериш лозим бўлади. Чунки, улар келтириб чиқарадиган ҳуқуқий оқибатлар турлича бўлиб, мазкур ҳуқуқий оқибатлар билан солиштирилганда шартноманинг ҳақиқий эмаслиги ва шартномани бекор қилиш ўртасидаги фарқи яққол кўриш мумкин бўлади.

Юсуф ХОДЖАЕВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Реклама ўрнида



“МИКРОКРЕДИТБАНК” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
БАНКИ ЮРТИМИЗНИНГ ИЛМ ВА МАЪРИФАТ САРБОНЛАРИНИ,
БАРЧА УСТОЗЛАРНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ —

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ
муносабати билан муборақбод этади!

Американинг Бостон шаҳрида нашр этиладиган ва жаҳон микромолиялаш жараёнини ёритадиган “Микрокапитал бозори шарҳи” журналининг июль ойидаги сонидан эълон қилинган рэнкингда кўра, Марказий Осиё ва Европанинг 151 та микрокредит банки орасида “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки (Ўзбекистон) энг яхши ўн та микромолиялаш банки орасида муносиб бешинчи ўринни эгаллади.

Хурматли мижозлар!

“МИКРОКРЕДИТБАНК”
очик акциядорлик тижорат банки Сизларга

«Интернет-банк»,

«SMS-банк» ва

«SMS-TO'LOV»

хизматларини таклиф қилади.

«Интернет-банк» хизмати орқали ташкилотингизнинг раҳбари ёки бухгалтери ўз иш жойида турган ҳолда:

- тўловларни ўтказиши;
- ҳисоб рақамингизга келиб тушаётган маблағлар ҳақида маълумотлар олиши;
- ҳисоб рақамидан ўтказилаётган маблағларни назорат қилиши;
- барча зарур ҳисоботларни олиши мумкин.

“SMS-банк” хизмати мижозга масофадан туриб уяли телефон орқали SMS хабари алмашиш асосида хизмат кўрсатиш имкониятини яратди.

“SMS-банк” — Сизга ҳисоб рақамингиздаги ҳар бир банк амалиёти тўғрисида хабар беради.

“SMS-банк” хизмати орқали Сиз куннинг ҳар қандай соатида, ҳатто дам олиш ва байрам кунларида ҳам ҳисоб рақамингиздаги маблағларнинг қолдиғи тўғрисида маълумот олишингиз мумкин.

«SMS-TO'LOV» — банк хизмати борасида ўзига хос янгилик бўлиб, “Микрокредитбанк” билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг лойиҳаси ҳисобланади.

«SMS-TO'LOV»га улашиш учун мижоз банкка келиб, уяли телефонига тайёрланган электрон рақамли имзо калити бўлган махсус дастурни ўрнатади. Бунда тўғридан-тўғри уяли телефон орқали банк ҳисоб рақамидан транспорт йўлқираси, дўкандан сотиб олинган маҳсулотлар учун, шунингдек, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш имкони яратилади.

Банкимизнинг замонавий хизматларидан фойдаланганингиз учун аввалдан миннатдорчилик билдирамыз.

Хизматлар лицензияланган.



“АГРОБАНК”
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ

барча устоз ва мураббийларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами билан самимий қутлайди!

Ушбу қувончли кунларда Сизга соғлиқ ва хотиржамлик тилайди!

Шунингдек, “Агробанк” юридик шахслар учун мўлжалланган номинал қиймати 1 000 000 сўмлик, муомала муддати 12, 24 ҳамда 36 ойлик депозит сертификатларини таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарорига асосан тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қозғошларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фойзли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан озод этилади.

Сиз ушбу депозит сертификатларини “Агробанк”нинг истаган филиалидан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумот олишингиз учун қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин:
(8 371) 150-53-66,
150-85-12.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ —
ФАОЛИЯТИМИЗ
МЕЗОНИ!




Ёш тадбиркорлар

қўллаб-қувватланмоқда

ЁШ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ манфаатларини химоя қилиш, имтиёзли микрокредитлар олишда қўмаклашиш, давлатимиз томонидан ёшларга ва аҳолига ушбу мақсадларда яратилаётган кенг имкониятларни тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида 2009 йилдан буён **Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати** ҳамда **“Агробанк” очик акциядорлик тижорат банки** билан ҳамкорликдаги битимга асосан янги лойиҳа **“Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор”** танлови ташкил қилиниб келинмоқда.

Лойиҳани ташкил қилишдан мақсад чекка ҳудудлардаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб қилиш, бугунги кунда республика-мизда тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имкониятлар билан таништириш, аҳолини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш ва қишлоқ инфраструктурасини яхшилашга қўмаклашишдан иборатдир.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яққа



тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш ва бизнесини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида **Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати** Марказий Кенгаши, **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**, **Ўзбекистон Савдо саноат палатаси** ҳамда **“Агробанк” ОАТБ** билан ҳамкорликда 2011 йилдан бошлаб **“Менинг бизнес ғоям”** танлови ташкил қилинди.

Жорий йилнинг 19 сентябрь кунини Ўзбекистон Банкар ассоциациясида **“Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор”** ва **“Менинг бизнес ғоям”** танловлари ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тантанали маросимда таниқли санъаткорлар иштирокида катта галаконцерт ташкил қилинди.

Танлов ғолиблари имтиёзли миқдорда кредит олиш ҳуқуқини берувчи диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



O'ZSANOATQURILISHBANK

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК”
ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини билан
самимий муборақбод этади!

Бу қутлуғ айём барча ўқитувчи ва устозларимизга бахт, омад олиб келишини, қалбларига ҳамини эзгулик ва меҳрибонлик туйғуларини жо бўлишини тилайди.

Шоғирларингиз қамолини ва бахтини кўриб юриш барчангизга насиб қилсин.

Банкимиз келажакда ҳам Сизнинг энг ишонили банкнинг бўлиб қолаверади. Сизларнинг яхши кунлар учун асраётган омонатларингиз банкимиз томонидан қафолатланган. Сизларнинг ишончингиз биз учун юксак эътироф. Сизлар билан ҳамкорлик қилаётганимиздан фахрланамиз.

Мижоз ишончи — ютуқларимиз қафолати бўлиб қолаверади.

Акциядорлик-тижорат “Ўзсаноатқурилишбанк” — Сизнинг ҳамкорингиз!





“ЎЗБЕКЭНЕРГО” ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барча устоз ва мураббийларни яқинлашиб келаётган энг улуг айёмлардан бири

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

билан самимий муборакбод этади!

Ушбу айём хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларингизга тўкинлик, заҳматли ва фахрли касбу корларингизга барака олиб келсин!

Озод ва обод юртимиз фарзандларига таълим ва тарбия беришдаги меҳнатларингизга улкан зафарлар тилаб қоламиз.

**Барчангизга айём муборак,
азиз устоз ва мураббийлар!**



Оила

ЖАМИЯТНИНГ ТАЯНЧИ ВА ИШОНЧИ

— Оила мустаҳкамлиги борасида яратилган ҳуқуқий асослар борасида маълумот беринг?

**Д. РАХИМОВА,
ЎЗМУ талабаси**

— МАЪЛУМКИ, оиланинг мустаҳкамлиги, тинч ва тотувлиги, баркамоллиги давлатимиз камолотини белгилловчи бош омиллардан бири ҳисобланади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Оила бизнинг ҳалқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган гоят ҳаётий қадриятлардан биридир”.

Конституциянинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўлини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги белгиланган. Шундай экан, ҳар бир

оила субъекти бунчи теран англаб, жамият ва оила олдидаги масъулиятларини чуқур ҳис қилиши лозим. Конституциянинг ушбу нормаси барча фуқароларнинг оила олдидаги масъулиятини англашга, фарзандларни юртга содиқ инсонлар қилиб тарбиялашга руҳлантиради. Қолаверса, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғам-хўрликлар фарзандларимизнинг келажакда етуқ, баркамол, инсонпарвар бўлиб улғайишларини таъминлаш баробарида, уларни ўз оилаларига содиқ

қилишлар қилиб тарбиялайди.

Оила кодексининг 3-моддасида “**Оилавий муносабатларда фуқаролар тенг ҳуқуққа эгадирлар**”, дейилган. Ўз навбатида бу ҳуқуқлар уларнинг никоҳ, мол-мулк, болалар тарбияси ва бошқа барча оилавий муносабатини амалга оширишда яққол кўринади. Конституциявий нормалар ҳамда оила қонунчилиги нормаларидан келиб чиққан ҳолда, фуқаролар оила олдида мажбуриятларини ижтимоий асосида бажармасалар, уларни, албатта, мажбурий тартибда бажартиришликка ҳам йўл қўйилади.

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар доим давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири саналган.

Оила кодексининг 148-моддасида кўрсатилганидек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатлари зиммасига юклатилган. Конституциямизнинг 64-моддасида ҳам “**Давлат ва жамият**

етим болаларни ҳамда ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради” деб кўрсатилган.

Шундай экан, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг асосий бурчи саналади. Қолаверса, давлат томонидан оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш — оила ҳуқуқлари принципларидан бири ҳисобланади. Бундай ҳуқуқ ва манфаатлар эса қонунларимизда ўз аксини топганлиги муҳим аҳамият касб этади.

**Гулсара ЮСУПОВА,
Чирчиқ шаҳар ФХД
бўлими 1-тоифали
инспектори**

Савол-жавоб

Солиқ имтиёзи

— Эшитишимча, баъзи фуқаролар ер, мол-мулк солиғидан озод қилинар экан. Мамлакатимизда бундай солиқ имтиёзи кимларга берилади?

**И. ДАВЛАТОВ,
Тошкент вилояти**

— ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ Солиқ кодексининг 287-моддасига биноан мулк ҳуқуқи, эгаллик ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликлари ер солиғи тўловчилари ҳисобланади.

Мазкур кодекснинг 290-моддаси, 5-бандига

кўра, ёлғиз пенсионерлар ер солиғидан озод қилинади. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон бўлган алоҳида уйда, квартирада ёки ётоқхонада бирга яшовчи пенсионерлар солиқ солиш мақсадида ёлғиз пенсионерлар, деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ва турар жойидаги ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотно-

маси асосида берилади.

Шунингдек, ушбу модданинг 10-бандига кўра, жисмоний шахслар — уларга яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича — ер участкаси берилган муддатнинг кейинги ойидан эътиборан, икки йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилинади.

Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланадиган ёхуд юридик ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди.

**Умид НИЁЗОВ,
Ангрен шаҳар давлат
нотариал идораси
нотариуси**

МЧЖ шаклидаги “ELIT BASKI” хорижий корхонасининг 2011 йил 7 сентябрдаги корхона ижтимоий таъминоти тўғрисидаги ушбу қарорига асосан ушбу маҳаллий молиявий-ҳўжалик фаолияти тўхтатилиб, тугатиш ишлари бошланди. Тугатиш комиссияси даъво ва эътирозларни эълон чоп этилган кундан бошлаб уч ой давомида қабул қилади.

ИНН: 300648008.
Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

**Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани,
Кушбеги кўчаси, 6-
уй.**

Телефон:
(+99897) 745-76-60.

“АСАКА” БАНКИ (ОАЖ) ЖАМОАСИ

Сиз азиз юртдошларни халқимизнинг умумхалқ байрами —
1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни
 билан чин дилдан қутлайди!

Келажак авлодни улуг йўлга бошлаётган барча ўқитувчи ва мураббийларимизнинг хонадонига тинчлик ва омонлик тилайди. Бизнинг банкимиз энг ишончли банклардан бири ҳисобланади. Сизнинг омонатларингиз банкимиз томонидан кафолатланган. Сизнинг ишончингиз биз учун юксак эътироф. Келгусида ҳам ишонч ришталари янада мустаҳкамланаверсин.

“Асака” банк (ОАЖ)
 — Сизнинг яқин
 ҳамкорингиз.



Кутубхоналар янгича усулда ишлайди

ЎЗБЕКИСТОН Миллий матбуот маркази Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Ахборот коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятининг сифатини ошириш борасида устувор этиб белгиланган вазифалар ва уларни бажариш борасида кўзда тутилаётган саноат-ҳаракат ва чора-тадбирлар, тажриба ва амалиёт” мавзусида матбуот анжумани ташкил этди.

ТАДБИРДА аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражага кўтариш, китобхонларнинг илмий, таълимий ва маданий эҳтиёжларини тезкор равишда, замонавий ахборот технологияларига таянган ҳолда қондириш мақсадида ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, китобхонларга аънавий кутубхона хизмати кўрсатиш билан бирга ўз фондлари асосида электрон ресурсларни яратиб фойдаланувчиларга тақдим этиш ҳамда интернет ресурсларидан баҳраманд қилиш, яъни янги ахборот-кутубхона хизматини амалга ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Ўзал МАЛИКОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилоятида
Андижон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бухоро вилоятида
Бухоро шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилоятида
Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Оҳангарон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикасида
Нукус шаҳар 9-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Элликхалъа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чимбой туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 21 сентябрдаги 58-А-ум буйруғига асосан “ASL MUJTAHID XUQUQSHUNOSLARI” адвокатлик бюросининг адвокати Аширов Хамидулла Артыковичга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 5 февралда TS 000308-сонли адвокатлик мақомини олиш ҳуқуқи билан берилган лицензиянинг амал қилиши суднинг тегишли қарори қонуний кучга киргунга қадар тўхтатилди.

Андижон вилоятида

Улунор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Избоскан туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пахтабод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Асака туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бухоро вилоятида

Бухоро шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бухоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилоятида

Қамаш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилоятида

Наманган шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилоятида

Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилоятида

Зангиота туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгийул туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент шаҳрида

Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ;
4. Мехнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топишган, лекин нотариус лавозимига уч йил иш байида ишламаган талабгорлар оза малака имтиҳонини қайта топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камидан уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топишган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси
 2011 йил 26 октябрь)
 Манзил: Тошкент шаҳар,
 Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
 Телефонлар: (8-371) 233-44-48,
 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Ижтимоий шериклик тажрибаси

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциация-си Ресурс марказида ушбу Миллий ассоциация ҳамда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фонди томонидан эълон қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалга оширган энг яхши ижтимоий шериклик тажрибаси бўйича” ва “Ижтимоий шериклик бўйича энг намунавий ёритилган мақола учун” танловлари юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди.

МАТБУОТ анжуманида давлат ва нодавлат электрон ҳамда босма оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон ННТлари Миллий ассоциацияси Кенгаши аъзолари, Ўзбекистон ННТларини қўллаб-қувватлаш Фонди ижроия аппарати иштирок этди. Тадбир давомида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожланиши учун демократик талаблар ва меъёрий қонунийлик базаси яратилганлиги, фуқароларнинг ахборот олиш кафолатлари учун эркин фикр ва фикрлар минбари шаклланганлиги эътироф этилди.

Феруза БОБОХОНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг фахрийлар кенгаши аъзоси
Шоасқар ШОАЗИЗОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 12 сентябрдаги 127-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “SAMARQAND QONUN USHUVORLARI” адвокатлар хайъатининг адвокати Исоқилев Илхомжон Турдимуродовичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 18 июнь куни берилган адвокатлик мақоми учун ошмайдиган муддатда мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Ёруғ хиёбон

Данте — юрист
Дантенинг болалигиАкмал САИДОВ, юридик фанлар
доктори, профессор

(Боши ўтган сонларда)

Данте Алигьери 1265 йил 21 майдан 20 июнгача бўлган даврда Фарбий Европанинг энг йирик марказларидан ҳисобланган Флоренцияда, унча бой бўлмаган асладда **Алигьери** (баззи маълумотларга кўра **Алагерио**) ди **Бэллинчионе** оиласида, Эгизаклар буржи остида дунёга келган. **Тўлиқ исми — Дуранте**. Аммо тақдир уни Данте номи билан бутун дунёга машҳур қилган. Унинг **Франческо** исмили тутиган уқаси ва икки синглиси бўлган.

Дантенинг ҳаётига оид маълумотларнинг аксарияти унинг ўз асарларида, шунингдек **Ж.Бокаччо**, **Бенвенуто**, **Л.Бруно** каби адибларнинг буюк замондошлари таржимаи ҳоли ҳақидаги муайян даражада ривоятлаштирилган манбаларда келтирилади. Данте **“Янги ҳаёт”** (**“Vita Nuova”**) ва **“Базми”** (**“Convivio”**) ўз ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни рамз ва шамалар билан шунчалик чирмаб ташлаганики, сирли рақамлар, ҳаёлий тасаввурлар жумбоқларининг тагига етиш жуда мушкул. Дантега бағишланган адабиёт сон-саноксиз эканлиги ва муттасил кўлайиб бораётганлигига қарамадан вақт ўтиши билан унинг таржимаи ҳолига тааллуқли маълумотлар камаймоқда: янги фактлар топилаётган, дастлабки дантешунослар буюк адиб ҳаёти ҳақида келтирган маълумотлар жиддий танқид остига олинмоқда.

XIII асрда Флоренция фуқароларининг туғилиши қайд қилинмаган. Шу сабабли, ҳеч бир мулоҳазасиз, бутун жаҳон учун улуг сана ҳисобланган ушбу таваллуд куни ҳусусида бевосита Дантенинг ўзидан, яъни унинг энг машҳур дурдона асари — **“Илоҳий комедия”**нинг (**“Divina Comedia”**) **“Жаннат”** қисмидаги **Йигирма иккинчи қўшиқдан** билиб олишимиз мумкин.

Яна бир машҳур италиялик адиб, умумжаҳон миқёсида эътироф этилган **“Декамерон”**нинг муаллифи, Дантенинг энг содиқ иҳсосманди, ҳаёти ва ижодининг тадқиқотчиси **Жованни Бокаччо** Алигьерининг дўстларидан бири — **нотариус Пьеро Жардиннидан** “Илоҳий комедия”нинг муаллифи май ойининг охирида дунёга келганлигини билиб олган.

Дантенинг туғилган йили **Жованни Вилланининг “Солнома”** (**“Хроника”**)сида тасдиқини топган. Данте 1262 йил 25 мартда Сан Жованни черкови(баптистерияси)да чўқинтирилган. Флоренцияда мавжуд бўлган ўша даврдаги анъанага кўра чўқинтириш маросими чақалоқ таваллуд тоғанидан кейинги биринчи эҳтиросли шанбада ўтказилган. Яъни бу маросим Данте туғилганидан деярли бир йил ўтган ўтказилган.

Ж.Виллани асарлари IX китоби 136-бобида Дантенинг бизгача етиб келган биринчи таржимаи ҳоли келтирилган. Унинг “Хроника”си XII китоби 44-бобида Данте Флоренциянинг энг буюк фарзандларидан бири бўлганлиги, юртдошлари эса унинг қадрига етмай, дарбадарликда яшашига мажбур этганиликлари қайд қилинган. Дантенинг Вилланига тасирини “Илоҳий комедия” “Дўзах” қисми 14-қўшиғининг “Хроника” IV китоби бир неча боблари билан ҳамоханлигида кўриш мумкин. Виллани ўзининг асари VIII китоби 36-бобида худди Данте “Илоҳий комедия” “Жаннат” қисми 15-қўшиғидагидек Флоренция “инқироъга юз-туттишини башорат қилган.

Дантенинг аждодлари ҳақида кўп нарса маълум эмас. Айтишларича, Алигьери оиласи Флоренция шахрига асос солишига ва унинг қурилишига катта ҳисса қўшган қўхна римликларнинг **Элизейлар** сулоласидан келиб чиққан. Дантенинг бобосининг отаси — **Каччагвида** ломбардлик **Альдигьери да Фонтана** оиласидаги нуфузли хонимга уйлانган. **“Альдигьери”** исми вақт ўтиши билан **“Алигьери”**га айланган. Каччагвида ўғилларидан бирига шундай исм қўйилган. Флоренциялик ушбу сулоланинг кейинги авлодлари ҳам айнан шу ном билан аталган.

Каччагвида — Данте ўз асарларида тилга олган ягона аждодидир. Данте “Илоҳий комедия” саҳифаларида бобосининг отаси арвоҳи билан учрашганда бу шавкатли рицардан ўз аждодлари номларини айтишни сўрайди, бироқ Каччагвида улар тўғрисида “сукут сақлаш” кифоялигини билдиради.

Каччагвида жасур жангчи бўлган, Император Конрад III ни ҳарбий юришлари пайтида кузатиб борган, рицарлик унвонига сазовор бўлган, жангда ҳалок бўлган.

Дантенинг бобоси Беллинчионе сиёсий курашда фаол иштирок этган. Беллинчионе Императорга қарши, Рим Папасининг тарафдори, яъни муросасиз **гвельф** бўлган. У кўп марта **гвельфинлар** томонидан Флоренциядан қувилган. Шундай бўлишига қарамадан у 1266 йилда, шахардаги ҳокимият гвельфлар қўлига ўтганидан сўнг она юртига қайтишга муваффақ бўлган.

Умуман олганда буюк италиян шоири Данте ҳаёти тўғрисида жуда кам далилий ва ашёвий маълумотлар сақланиб қолган. Айрим йилларда у қаврда, нима билан машғул бўлганлиги аниқ маълум эмас. Мавжуд маълумотларга ҳам тўла-тўқис ишониб бўлмайди: у вақтларда архив ҳужжатларига ҳозиргидек авайлаб муносабатда бўлинмаган. Афсуски, **бизгача Дантенинг ўз кўли билан ёзиб қолдирган бирор сатри етиб келмаган.**

Шундай бўлишига қарамадан ўша вақтларда сақланиб қолган жуда кам ҳужжатлардан ҳам Алигьерининг оиласи кўчмас мулк ва ерга эгалик қилганлигини билиб олиш мумкин. **Дантенинг отаси ҳуқуқшунос бўлган.** У оиласининг молиявий аҳолини бир оз бўлса-да ўнглаш учун кўпчилик судхўрлик (фоизга қарз бериш) билан пул ишлаб топишга мажбур бўлган.

Дантенинг онаси — синьора Бэлла бўлажак шоир 10 ёшга тўлмасданок, 1275 йилда вафот этган. Кўп ўтмай, 1283 йилда отаси ҳам ҳаёт билан видолашган.

Дантенинг отаси — Алигьери II, афтидан, сиёсий фаолият билан шугулланмаган ва Флоренцияда яшаган. У фарзанди жуда ёш пайтидаёқ ҳаётдан кўз юмган бўлса ҳам ёш Данте учун яхши таълим олишига шaroит яратиб беришга унгулган. Ўша даврда Флоренцияда болалар фақат бошланғич таълим оладиган мактаблар бўлган. Данте мактабда грамматика ва риторикани ўрганган. Бу ўрта асрларда битилган латинча матнларни эркин ўқий олиш имконини бериши маъносини билдирган. Бундан ташқари, Данте тарих, дин, мантик, музика, жуғрофия, астрономия ва бошқа табиий фанлардан муайян даражада хабардор бўлган. Лекин мактабда асосий фан дин таълимоти бўлган. Диншунос ўқитувчилар нафақат Инжилни, балки Платон, Аристотель, Вергилий, Овидий, Стаций асарларини ҳам яхши билишган. Улар ўқувчиларни мушоҳада юритишдан ҳам кўпроқ расо фикрлашга мохирлик билан ўргатганлар.

Данте олган тарбия шундай эдики, онгдан ҳам кўпроқ тасаввурга озик берган, ҳаёллар уммонига гарқ этган.

Данте ҳаётдан эрта кўз юмган онасини эсида сақлаб қолмаган, ўсмирлик пайтида эса отасидан ҳам айрилган. У бирон марта туғилган уйи ва яқинларини ёдга олмаган, асарларида рафиқаси Жемма Донати, ўғил ва қизларини тилга олмаган. Дарбадарликда у қариндош ва яқинларини эмас, балки Флоренциядаги Сан-Жованни черкови қўнғироқларининг жарангини эслаган, ўзига етказилган заҳматларни хо-

тирлаган. Умуман ўша даврларда моддий ва оилавий масалаларни овоза қилиш урф бўлмаган: оила — буткул шахсий, наслий, амалий иш ҳисобланган.

Бўлажак шоирни саводхонликка ким ўргатганлиги тўғрисида ишонarli маълумотлар сақланиб қолмаган. Алигьери оиласининг нотариусларда қайд этилган бир ҳужжатдагина **“ўғил болалар ўқитувчиси Романо”** тилга олинган. Эҳтимол, у болани илм йўлига бошлаган биринчи устозидир. У Алигьери оиласига яқин кишилардан бири бўлганлиги аниқ.

Умуман олганда, ўрта аср мактаблари ўқувчиларига кўп нарса бера олмаган. Ўша вақтларда Флоренцияда университет бўлмаган. Унинг ўрнини Дантени ўзи жуда эъзозлайдиган дўсти **Брунетто Латини** босган. **Брунетто касби бўйича ҳуқуқшунос — нотариус бўлган**, Флоренция коммунаси ҳужжатларини расмийлаштириб борган. Шу билан бирга дипломатик вазифаларни ҳам кўп бор бажарган. Айни пайтда **Брунетто Латини** олим ва шоир, Франциянинг назмда битилган **“Хазиналар китоби”** қомуси ва кўпгина италиянча асарлар муаллифи бўлган.

Данте ўзининг “Илоҳий комедия”си “Дўзах” қисмидаги ўн бешинчи қўшиқда устози Брунетто Латини билан Флоренция қисмати, зафар ва мағлубиятлари тўғрисида қурган суҳбатини келтирган:

**Энди аён бўлди мавҳум турган зот:
Жизганақ бандга келиб яқинроқ,
Дедим: “Сэр Брунетто, сизмисиз, наҳот?”**

**У деди: “Афу эт мени, бўталоқ,
Балки бошқаларни бир зум этиб тарқ,
Хохласанг, лотинча дарс ўтсак озроқ”.**

Нима учун ҳурматга сазовор шоир уни севувчи шогирд томонидан “Дўзах”га киритилгани тушунарли эмас, эҳтимол, одамларни билимларга ўқи ортига чорлаётганини маъна этганлиги сабабига қўрадир. Шундай бўлса ҳам Данте “боқий ҳаёт йўли” “англатган, ўқитган” устоз “кўтулғ номини” ёдга олади.

Брунетто Латинининг Флоренцияда ҳеч қандай мактаби бўлмаган. Шунинг учун у Дантенинг Романо каби оддий ўқитувчиси бўлиши мумкин. Лекин у бўлажак шоир машғулотларининг раҳбари, синчков, меҳрибон устоз бўлганлиги аниқ.

Дантенинг ўқувчилик йиллари, машғулотлари отасининг вафоти сабабли тезда тугаган. У мустақил билим эгаллашга киришган. Данте қўлига қандай китоб тушса — улар асосан провансал ва француз тилларида битилган бўлган — ҳаммасини бир четдан ўқийверган. Флоренция шахри аҳолиси шимолдан келган бу меҳмонлар билан муттасил мулоқотда бўлганликлари сабабли улар ана шу ҳар икки тилни яхши билишган.

Данте француз ва провансал тилидаги китоблар орқали дунёқараши ва тафаккурини бойитган ва эҳтиросларини жунбушга келтирган сەхрли дунё билан танишган. **Эдип, Фива, Троя, Энея тўғрисидаги ривоятлар, Овидийнинг “Метаморфоза” туркумлари, Искандар Зулқарнайн ва Цезарь, Буюк Карлга тааллуқли тарихий-воқеалар-шулар жумласидан бўлган.** У **“Атиргул тўғрисидаги роман” дидактик шеърини**, қофиялаштирилган француз қомуслари билан таниша бошлаган. Худди шу масалада Данте учун Брунетто Латини ёрдами ниҳоятда қимматли бўлган.

Брунетто Латини жуда ўқимшли киши бўлган. Унинг қомусий асарларида антик давр мутафаккирлари, Италия шахарлари, бу ердаги маданий ҳаёт тўғрисида жуда қизиқарли маълумотлар келтирилган. Брунеттонинг кенг дунёқараши бўлажак шоир кўп нарсаларнинг моҳиятини англаб етишида жуда қўл келган.

Шогирд ҳам устозидан қолшмайди диган бўлган. Ўта иқтидор, ақлнинг эрта қарқлиниши, ҳамма нарсани билишга бўлган жўшқин эҳтиёж ёш Дантенинг билимга чанқоқлигини кучайтирган. Унда шеърятга қизиқиш жуда эрта уйғонган. Данте бехисоб провансал шеърларини, асосан лирик асарларни тинмай мутолаа қилган. Провансал шеърятининг барча машҳур намоёндалари — **Арно Даниэль, Бертран де Борн, Гераут де Борнель** ва қўллаб бошқа шоирлар унинг учун қадрдон бўлиб қолган. Данте бир йўла Сицилия мактаби вакиллари-нинг ижоди, италиян лирикасининг дастлабки намуналари, шунингдек флоренциялик биринчи шоирлар асарлари билан танишган.

Данте биргина шеърятдан савод олиш билан чегараланмаган. Барча бадавлат, айниқса дворян оилаларининг болалари каби Данте расм чизиш ва музикага ҳам ўргатилган. Лекин бу санъат турлари унинг учун шеърят каби қадрли бўлмаган. Дантенинг ўзи ҳикоя қилишича, у Беатриче вафот этганлигининг бир йиллигида ўз маҳбубаси сиймосини жонлантириш мақсадида ҳурлиқо суратини чизган. Расм чизиш, музика асбобларида куй чалиш уни расом ҳам, музикачи ҳам қилмаган бўлса-да, келгуси ижодига ўз таъсирини қўратмай қолмаган. “Илоҳий комедия” сатрларида тез-тез кўзга ташланадиган бадиий бўёқлар — хар бир рангнинг энг нозик жалваларини фарқлай олиш, уйғунлик ҳиссиёти унинг ёшлик пайтидаги машғулотлари маҳсули бўлган.

Дантенинг тадқиқотчилари уни **“Ўрта асрнинг сўнгги шоири ва Янги даврнинг биринчи шоири”** деб атайдилар. Бу **Европа Уйғониш даври (Ренессанс)** билан боғлиқдир. Бу ўринда ҳатто мутахассислар — тарихчилар ва маданиятшунослар ҳам **Европа Уйғониш даври** қачон бошланганлиги ва қанча вақт давом этганлиги тўғрисидаги саволга ҳозиргача турлича жавоб бериб келаётганликларини эслатиш жоиз. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Жумладан, Италия учун Уйғониш даври XIV-XVI асрлар бўлса, бошқа мамлакатларда у кейинроқ — XV аср охирилари XVI аср бошларида бошланган деб ҳисобланади. Бундан ташқари, турли фан, маданият ва санъат соҳаларида, турли мамлакатларда Уйғониш даврининг бошланиш нуқтаси турлича бўлган.

Буюк италиян шоирининг иҳсосмандлари эса Уйғониш даври тўхтатилган Даврнинг ўз уйи дерзасидан рўпарадаги қўшни хонадонда жажжигина **Биче** исмли қизалоққа нигоҳи тушган ондан бошланган деб айтишади. Бунда ўзига хос рамзий маъно бор. Навқирон Данте сонетлар ва насрий лавҳалардан иборат **“Янги ҳаёт”** (**“Vita Nuova”**) тўпламида (1292 йил ёки 1293 йилнинг бошида ёзилган) ўзининг ана шу Биче — гўзаллиқда танҳо, малойикалардан-да лобар Беатричеге оташин муҳаббатини қўлаган.

Жованни Бокаччонинг гувоҳлик беришича, **Беатриче** бой-бадавлат ва ўта нуфузли Фолько Портинарининг қизи бўлган. Данте илк бор уни кўрганида қизалоқ 8 ёшда бўлган. Кейинчалик Беатриче флоренциялик катта сармоюдорлар оиласидан бўлган Симони де Бардига турмушга чиққан. Аммо Беатриче 1290 йил июнида — атиги 24 ёшида вафот этган.

(Давоми бор)

“Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси”

танловини ташкил этишда фидойилик кўрсатганларга ташаккурномалар берилди

(Давоми.
Боши биринчи бетда)Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
Наманган вилояти Норин
тумани “Норин овози”
газетаси Бош муҳаррири:

— Адлия идоралари томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг барча қатламлари ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини самарали ташкил этиш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Бундай тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишда тарғиботчиларнинг билим ва маълакаси билан бирга уларнинг нотиклиги, ўз фикрини ҳаётчан тарзда етказа билиши ҳам ўзига хос ўрин тутди. Фаол тарғиботчиларни Адлия вазирлиги томонидан рағбатлантириш мақсадида ўтказилган ушбу танлов ижобий аҳамият касб этади. Бу тадбир тарғибот ишларини янада кучайтириши, тарғиботчиларнинг масъуллиги, ташаббускорлигини орттириши шубҳасиз, албатта.

Муяссар КАБУЛОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси
прокуратурасининг
“Истиклол ва қонун”
газетаси муҳбири:

— Истиклол йилларида Адлия вазирлиги томонидан қўллаб-қўллаб амалга оширилмоқда. “Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси” танлови ҳам ана шундай лойиҳалардан бири ва у илк бор ўтказилди. Мазкур танловда ғолибликни қўлга киритганимдан мамнунман ва фаолиятимизда масъуллик ҳисси янада ортганини айтишмоқчиман.

Мазкур танловда телеминора тасвири лойиҳанинг

рамзий ифодаси сифатида тасвирланган. Ушбу рамзий тасвир эндиликда биз журналистларни ҳам таъсирчан ҳуқуқий тарғибот олиб боришга ундайди. Бу борада биз ўз билим ва кучимизни аямаслигимиз керак. Шундагина қўтилган ижобий натижаларга эришамиз, деб ўйлайман!

Фаррух ШАРИПОВ,
ТДЮИ талабаси:

— Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида қилинаётган турли тарғибот тадбирлари, айниқса, биз ёшларнинг чинакам ҳуқуқ байрамга айланиб, республикамиз бўйлаб қўлоқ ёймоқда, дейишга ҳақимиз.

Айни пайтда Тошкент давлат юридик институтида аъло баҳо-ларга ўқишга, жамоат ишларида фаол қатнашишга, янги ғоя ва янги ташаббусларни амалга оширишга ва бу билан ўқитувчиларим томонидан менга берилган билим, тарбия ва қўнқималарга муносиб жавоб беришга ҳаракат қилмоқдаман.

Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган ҳуқуқий тарғибот гуруҳининг энг ёш аъзоси сифатида республикамиз бўйича ўтказилган тарғибот ишлари давомида тажриба орттиришга, нотиклик санъатини ўрганишга, муҳими, ижтимоий фаол бўлишга эришялман.

“Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси” танловида “Энг ёш ҳуқуқ тарғиботчиси” номинацияси ғолиби бўлганлигим менга гуруҳ бағишлайди. Ушбу мукофот билимларимни янада оширишга, ҳуқуқий жамият қуришимизда янада фидойи бўлишга ундайди.

Ёшларга кўрсатилётган гамхўрлик ва эътиборга жавобан биз ёшлар Ватанга садоқатли, фидойи ва масъулиятли бўлишга интиламиз, энг муҳими, институти аъло баҳо-ларга тамомлаб, етук ҳуқуқшунос кадр бўлиб ҳуқуқ идораларида фаолиятга киришиш орзуидамиз.

“Инсон ва қонун” муҳбири
Умид СОРИЕВ ёзиб олди.ОФИСГА БЕПУЛ
ҚУНҒИРОҚ ҚИЛИНГ!

«Офис рақами» хизмати

«Офис рақами» хизмати барча корпоратив гуруҳ учун битта шаҳар рақамини ўрнатиб, ушбу рақамга бепул қўнғироқлар қилиш имконини беради.



бир қадам олдинда



Батафони: 0990 000 000, тел.: 065 67 00 00 00, 131 00 00 00, 100 00 00. www.mtc.uz, info@mtc.uz
Ўзбекистон Республикасида қўнғироқлар тарқатиш бўлими «Ўзбекбон» қўнғироқ тарқатиш бўлими
Хизматлар лицензияланган

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССАСА:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАТИ
1996 йилнинг январидан
нашр этилади2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва Ахборот
агентлигида
0001-рақам билан
рўқбатга олинганБош
муҳаррир:
Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Мустафев Бўришом Мустафевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Очилов Алижон МухомедовичРаҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алиқул Тошбекович
Тўраев Тура Эргашевич
Сайдов Шохир КамолевичНавбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тўлқин
РАУПОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-2779. Тиражи — 14194.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
Баҳоси қилинган нархда
1 2 3 4 5